

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ**

5A440609 – Гидрокимё магистратура мутахассислиги

“МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ”

**КУРСИДАН
ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи: доц. Аденбаев Б.Е.

Тошкент-2011

МУНДАРИЖА

1.	Фан дастури.....	3
2.	Ишчи фан дастури.....	13
3.	Календар иш режаси.....	16
4.	Баҳолаш мезонлари.....	19
5.	Таълим технологияси.....	22
6.	Маъруза матнлари.....	24
7.	Тест саволлари.....	71
8.	Умумий назарот саволлари.....	78
9.	Реферат мавзулари.....	81
10.	Курс иши мавзулари.....	82
11.	Малакавий битирув ишлари мавзулари.....	83
12.	Мустақил таълим учун мавзулар.....	84
13.	Глоссарий – таянч сўзлар.....	85
14.	Слайдлар.....	87
15.	Адабиётлар.....	92

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Руйхатга олинди

№ БД 5440600 – 3.1.01

2008 йил “23” август

Ўзбекистон

Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2008 йил

“23”августдаги “263”-сонли буйруғи

билин тасдиқланган

**МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ
фанининг**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 400000 – Фан

Таълим соҳаси: 440000 – Табиий фанлар

Таълим йўналиши: 5440600 – Гидрометеорология

Тошкент-2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2008 йил “20” августдаги “4”-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Сирлибоева З.С. – Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ “Қуруқлик гидрологияси” кафедраси доценти, г.ф.н.
Артикова Ф.Я. – Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ “Қуруқлик гидрологияси” кафедраси доценти, г.ф.н.

Такризчилар:

Усманов В.О. – Гидрометеорология илмий тадқиқот институти етакчи илмий ходими, г.ф.н.
Трофимов Г.Н. – Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ “Қуруқлик гидрологияси” кафедраси профессори, г.ф.д.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий - услубий кенгашида тавсия қилинган (2008 йил 27 июндаги 9 - сонли баённома).

Кириш

Ҳозирги кунда замонавий фан, техника ва технологияларнинг ютуклари асосида юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. Бу борада гидрометеорология бакалаврларини тайёрлаш ўзига хос хусусиятларга эга. Зеро, мамлакатимизнинг келажақдаги тараққиёти ва барқарор ривожланишида муҳим ўрин тутадиган сув ресурслари, об-ҳаво шароити, иқлими мониторингини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш кўп жиҳатдан шу соҳада фаолият кўрсатадиган мутахассислар билими, малакаси, касбий даражасига боғлиқдир.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишидан мақсад – талабаларга гидрометеорология йўналишидаги умумкасбий ва маҳсус фанлар тизими, уларнинг предмети, тадқиқот обьекти, тадқиқот усуслари, гидросфера, атмосфера ва уларда кечадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўлкамиз сув обьектлари ҳақида умумий тушунчалар беришдан иборат.

Фаннинг вазифаси - талабаларга гидросфера ва унинг ташкил этувчилири - оқенлар, денгизлар, дарёлар, кўллар, ер ости сувлари, музликларни ўрганувчи фанлар ҳақида умумий назарий тушунчалар бериш, Ўрта Осиё дарёларининг сув режими ва тўйиниш шароити, музликлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларида кечадиган гидрометеорологик жараёнларнинг умумий қонуниятларини ўргатиш, сув обьектлариги гидрографик тавсиф бериш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича малака ва тажриба ҳосил қилишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Мутахассисликка кириш” ўқув фанини ўзлаштириш жараённада амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- гидрометеорология йўналишидаги умумкасбий ва маҳсус фанлар тизими, гидрометеорологиянинг асосий тушунчалари, атамалари ва таърифларини; гидрометеорологик жараёнларни тадқиқ этиш усусларини; гидросфера ва унинг атмосфера, литосфера ҳамда биосфера билан ўзаро боғлиқлигини; сув обьектларида кечадиган гидрометеорологик жараёнларнинг умумий қонуниятларини **билиши керак**;

- дунё океани, унинг қисмлари ва қуруқлик сувлари, жумладан музликлар, қор қоплами, дарёлар, кўллар гидрологик режимининг шаклланишига метеорологик омиллар таъсирини баҳолаш; гидрологик жарёнларнинг метеорологик ҳодисалар маҳсули эканлигини англаб этиш ва бу борада тўплаган билимларни амалиётга тадбиқ этиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- атмосфера ва гидросферада кечадиган гидрометеорологик жараёнлар ва ҳодисалар қонуниятларини тушунтира билиш; Ўрта Осиёнинг ўзига хос гидрологик хусусиятларини ёрита олиш; уларга умумий гидрографик тавсиф бериш ва гидрометеорологик маълумотларни илмий таҳлил қила олиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлиги

“Мутахассисликка кириш” ўқув фани умумкасбий фанлар блокидаги таянч курслардан бири бўлиб, мазкур фан 1 - семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш йўналишнинг намунавий ўқув режасидан ўрин олган математик ва табиий – илмий (олий математика, информатика ва ахборот технологиялари, гидрометеорологияда ҳисоблаш техникаси ва дастурлаш, экология ва гидроэкология асослари) фанларидан етарли билим ва қўникмаларга эга бўлишни талаб этади. Қайд этиш лозимки, мазкур фан бўлажак гидрометеорология бакалаврларига ўқитиладиган биринчи умумкасбий фан ҳисобланади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Бўлажак бакалаврлар ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятида, жумладан ўрта мактаблар, махсус лицей ва коллежларда атроф муҳит муҳофазаси, экология ва география фанларини ўқитишиларида, гидрометеорологик мониторингни ташкил этишларида, тўплланган гидрометеорологик маълумотлардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишиларида “Мутахассисликка кириш” фанидан тўплаган назарий билимларига таянадилар. Шу жиҳатдан мазкур ўкув фани замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали гидрометеорология бакалаврларини тайёрлаш тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг мазкур ўкув фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг замонавий усулларидан фойдаланиш, бу жараёнда янги информацион – педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслер, ўкув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, кинофильмлар ва кўргазмали қуроллардан фойдаланилади. Фанни ўқитишида режалаштирилган маъруза, амалий машғулот дарсларида ҳамда мазкур фан бўйича курс ишини тайёрлаш ва расмийлаштиришда мавзуга мос равишдаги илғор педагогик технологиялар кўлланилади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Мутахассисликка кириш фанининг мақсади, вазифалари. Тадқиқот обьекти ва предмети. Фаннинг гидрометеорология тизимида бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Фаннинг мутахассис тайёрлашда тутган ўрни. Ўрта Осиё сув обьектлари. Ўзбекистонда гидрометеорология хизмати, шаклланиш тарихи, истикболи.

Ўзбекистонда гидрометеорология хизмати

Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг шаклланиши ва ривожланишининг қисқача тарихи. Гидрометеорология хизматининг мақсади ва вазифалари. Туркистонда XIX асрнинг ўрталари XX асрнинг бошларида метеорологик ва гидрологик кузатишлар ҳамда тадқиқотларнинг шаклланиши. Ўрта Осиёда 1918-1945 йилларда гидрометеорология хизмати. Ўзбекистонда 1946-1991 йилларда гидрометеорология хизмати.

Гидрометеорология хизмати мустақиллик йилларида

Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг мавжуд тизими ва унинг таркибий тузилиши. Гидрометеорология хизмати тизими ва атроф муҳит назоратининг бўлинмалари. Гидрометеорология хизматининг вилоят бошқармалари. Атмосфера ҳавоси ва сув обьектларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекцияси. Гидрометеорология маркази. Алоқа тизими ва ахборотларни қайта ишлаш бошқармаси. Гидрометеорологик обсерваториялар, бюоролар, лабораториялар, партиялар. Гидрометеорологик станциялар ва постлар тармоқлари. Илмий тадқиқот муассасалари. Олий ва ўрта махсус ўкув юртлари. Ишлаб чиқариш корхоналари. Ўзбекистонда гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истқболи.

Гидрометеорология соҳасида халқаро ҳамкорлик

Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ЖМТ), унинг мақсади, вазифалари. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти(БМТ)нинг Атроф муҳит муҳофазаси дастури (ЮНЕП). Иқлим

ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенцияси (РКИК). Иқлим ўзгариши бўйича хукуматлараро эксперталар гурухи (МГЭИК).

Метеорологик тадқиқотлар

Метеорологик, аэрологик ва иқлимшунослика оид тадқиқотлар. Синоптик метеорологияга оид тадқиқотлар. Об-ҳавонинг прогнозлашнинг сонли усуллари. Қишлоқ хўжалиги метеорологиясига оид тадқиқотлар. Агрометеорологик тадқиқотлар. Гидрометеорологик жараёнларга фаол таъсир кўрсатишга оид илмий тадқиқот ишларининг ривожланиши. Метеорологик мониторинг ва унинг аҳамияти. Ўзбекистонда метеорологик тадқиқотларнинг истиқболи. ЎзМУда амалга оширилган метеорологик тадқиқотлар ва унинг истиқболи.

Гидрологик тадқиқотлар

Дарё гидрометриясининг шаклланиши ва ривожланиши. Гидрографик тадқиқотлар. Қўллар ва сув омборлари гидрометеорологик режимини ўрганиш. Сув эрозияси ва дарёларнинг лойқа оқизиқларига оид тадқиқотлар. Ўзбекистонда сел ҳодисаларини ўрганиш. Тошқинлар ва сел хавфини прогнозлаш. Сув объектларида музлаш ҳодисаларини ўрганиш ва прогнозлаш. Суғориладиган ерлар гидрологиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Гидрологик кузатиш маълумотларини қайта ишлашни автоматлаштириш. Гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар усулларини такомиллаштириш. Гидрологик жараёнларни математик моделлаштириш. Гляциологик тадқиқотлар: музликлар, қорликлар, қор қоплами ва қор кўчкиларини ўрганиш. Гидрокимёвий, гидроэкологик тадқиқотлар ва уларнинг истиқболи. Гидрологик мониторинг ва унинг аҳамияти. Ўзбекистонда метеорологик тадқиқотларнинг истиқболи. ЎзМУда амалга оширилган гидрологик тадқиқотлар ва унинг истиқболи.

Иқлим ўзгариши муаммолари

Иқлим ҳақида умумий маълумотлар: асосий таъриф ва тушунчалар, иқлим ҳосил қилувчи омил ва жарёнлар, иқлим назарияси – иқлим ўзгаришини олдиндан билишнинг асоси. Иссиқхона эффекти ва иқлим. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари. Иқлим ўзгариши бўйича биргаликдаги халқаро ҳаракатлар. Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенцияси (РКИК). Томонлар конференциялари. Киото протоколи ва унинг моҳияти. Миллий ахборот алмашиш ва уни кўриб чиқиш. Иқлим ўзгариши таъсирига мослашиш. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши муаммоларига оид тадқиқотлар.

Гидрометеорологик жараёнлар ва уларнинг моҳияти

Сувнинг табиий ва кимёвий хусусиятлари. Сувнинг тузилиши, аномалиялари ва асосий физик хусусиятлари. Табиий сувларнинг кимёвий таркиби ва уларнинг ҳосил бўлиш шароитлари.

Табиатда сувнинг айланиши. Ер куррасида қуруклик ва сувнинг тақсимланиши. Ер курраси ва материклар ичида намликнинг айланиши. Сувнинг катта ва кичик айланиши. Ер курраси, Дунё океани, қуруклик, материкларнинг сув баланси. Атмосферада иссиқликнинг айланиши ва бу жараёнда гидросферанинг роли.

Гидросфера билан бошқа сфераларнинг ўзаро таъсири. Океан ва атмосферанинг ўзаро таъсири; энергия ва модда алмашинуви; метеорологик жараёнларда сувнинг роли; сув ва об-ҳаво.

Ёғинлар. Ер куррасида ёғинлар тақсимланишини белгиловчи омиллар. Ёғинларнинг миқдори ва кўринишини белгиловчи энг муҳим бўлган рельеф омили. Ёғинлар умумий миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши. Қор. Унинг хоссалари, зичлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги, радиацион хусусиятлари, сувлилиги. Қор қопламини ўрганиш усуллари. Ҳавза бўйича ўртача ёғин миқдорини аниқлаш усуллари.

Буғланиши. Буғланишнинг физик моҳияти. Буғланиш миқдорини аниқлаш усуллари. Дальтон қонуни. Мутлақ ва нисбий намлик. Намлик етишмаслиги. Ҳар-хил юзалардан бўладиган буғланиш. Сув юзасидан буғланиш. Буғлатгичлар. Буғланишни хисоблаш ифодалари. Транспирация. Ялпи буғланиш. Ялпи буғланиш ва ёғинлар.

Музликлар. Қор чизиги. Қор кўчкилари. Музликлар ва уларнинг ҳосил бўлиши ва режими. Музликларнинг турлари ва тарқалиши. Музликларнинг гидрометеорологик аҳамияти.

Ер ости сувлари. Уларнинг пайдо бўлиши. Ер ости сувларининг жойлашиш шароитига кўра бўлиниши. Ҳаракати. Режими. Юза ва ер ости сувлари орасидаги ўзаро боғлиқлик.

Дарёлар. Уларнинг турлари ва ер юзасида тарқалиши. Дарёларнинг пайдо бўлиши. Дарёлар-табиатда сув айланиши жараёнининг муҳим элементи. Дарёларнинг экологик аҳамияти. Дарё оқимининг глобал аҳамияти. Дарёлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммолари.

Кўллар ва сув омборлари. Уларнинг турлари ва тарқалиши. Кўлларнинг пайдо бўлиши. Кўллар ва сув омборларининг инсон ҳаётидаги аҳамияти.

Ўрта Осиё сув обьектлари

Ўрта Осиёнинг гидрологик хусусиятлари. Ўрта Осиёнинг табиий географик ўрни, геологик тузилиши, рельфи, иқлим шароити. Атмосфера ёғинлари, буғланиш, дарё оқими. Сув баланси тенгламаси. Ҳудуднинг оқим ҳосил бўлиш шароитига кўра булиниши.

Дарёлари. Дарёларнинг тўйиниши, ўртача қўп йиллик оқими. Оқимнинг ҳудуд бўйлаб тақсимланиши. Йиллик оқимнинг ўзгарувчанлиги ва йил давомида тақсимланиши. Ҳарорат режими, музлаш ҳодисалари. Дарёларнинг лойқа оқизиқлари ва дарё ҳавзаси юзасидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллиги.

Ўрта Осиё дарё тармоқлари. Каспий денгизи ҳавзаси. Туркманистоннинг берк ҳавзалари. Орол денгизи ҳавзаси. Балхаш кўли ҳавзаси.

Артек дарёси ҳавзаси (Каспий денгизи ҳавзаси). Ҳавзанинг умумий таърифи. Артек дарёси: гидрографик таърифи, тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари.

Туркманистоннинг берк ҳавзалари. Ҳавзаларнинг умумий таърифи. Мургоб дарёси. Тажан дарёси. Копеттог тизмасининг шимоли-шарқий ён бағридаги дарёлар.

Амударё ҳавзаси. Ҳавзанинг умумий таърифи. Панж, Вахш, Амударё, Кофирниҳон, Сурхондарё, Шерободдарё. Қашқадарё. Зарафшон дарёлари. Дарёларнинг гидрографик таърифи, тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари.

Сирдарё ҳавзаси. Ҳавзанинг умумий таърифи. Норин, Қорадарё. Сирдарё. Сирдарё ва Қорадраёнинг Фарғона водийсидаги ирмоқлари. Сирдарёнинг Фарғона водийсидан чиққандан кейинги чап ирмоқлари. Чирчиқ, Оҳангарон ва Калас дарёлари ҳавзаси. Чирчиқ дарёси. Оҳангарон дарёси. Калас дарёси. Арис дарёси. Қоратов тизмасининг жанубий-ғарбий ёнбағридаги дарёлар. Дарёларнинг тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари.

Талас, Чуй дарёлари ва Иссиққўл ҳавзаси. Ҳавзанинг умумий таърифи. Талас ва Асса дарёлари. Чуй дарёси. Чуй дарёсининг ирмоқлари. Иссиққўл ҳавзаси. Балхаш кўли ҳавзасининг жанубий қисми. Дарёларнинг тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари.

Музликлари. Музликларнинг тоғ тизмалари бўйича тақсимланиши. Амударё ҳавзаси музликлари. Сирдарё ҳавзаси музликлари. Иссиққўл ҳавзаси музликлари.

Кўллар ва сув омборлари. Тоғлардаги кўллар ва уларнинг пайдо бўлиши. Текисликдаги кўллар ва уларнинг пайдо бўлиши, ўзига хос хусусиятлари. Кўлларнинг генизиси бўйича таснифи. Сув омборлари ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.

Гидрометеорология ва атроф-муҳит муҳофазаси

Табиий муҳит – инсон ҳаёти ва ишлаб чиқаришнинг манбаи. Дунё океани, қуруқлик сувлари ва атмосферани муҳофаза қилиш. Атроф муҳит муҳофазаси мониторинги ва унда гидрометеорологиянинг тутган ўрни. Гидрометеорологиянинг тараққиёт истиқболлари.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Ҳар бир амалий машғулот, дастлаб ишнинг мақсадини ва мавзуга оид назарий билимларни қисқача ёритишдан бошланади. Сўнг ишни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва қўйилган мақсадни амалга ошириш учун талаб қилинган вазифалар аниқ белгиланиб, ишни бажариш тартиби эса қўйилган вазифалар кетма-кетлигига асосланади. Барча ишлар олинган натижаларнинг таҳлили билан якунланади. Ҳар бир амалий машғулотни бажариш учун берилган маълумотларга таяниб, талабаларга алоҳида варианtlар ёки мавзулар таклиф этилади.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари жадвалини тузиш ва тавсифлаш.
2. Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг мавжуд тизими ва унинг таркибий тузилиши схемасини чизиш ва тавсифлаш.
3. Гидрометеорология соҳасида халқаро ҳамкорлик ва унда Ўзбекистоннинг ўрнини тавсифлаш.
4. Ўзбекистонда амалга оширилган метеорологик тадқиқотлар ва уларга хисса кўшган таникли олимлар ишларини тавсифлаш.
5. Ўзбекистонда амалга оширилган гидрологик тадқиқотлар ва уларга хисса кўшган таникли олимлар ишларини тавсифлаш.
6. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши муаммоларига оид тадқиқотлар ва уларни тавсифлаш.
7. Атмосфера ёғинларининг дарё ҳавзаси бўйича тақсимланишини ўрганиш.
8. Сув юзасидан бўладиган буғланишни аниқлаш усуслари ва уларни тавсифлаш.
9. Дарё гидрографини чизиш ва уни таҳлил қилиш.
10. Дарёлар сув режими фазаларини аниқлаш.
11. Дарёларнинг тўйиниши манбалари миқдорини аниқлаш.
12. Маълум бир дарё ёки кўл ҳавзасига гидрографик тавсиф бериш.
13. Ўрта Осиё музликларини “Музликлар каталоги”дан ўрганиш.
14. Ўрта Осиё кўлларининг генезиси бўйича таснифлаш схемасини чизиш ва тавсифлаш.
15. Ўрта Осиё сув омборлари таснифи ва уларга умумий тавсиф бериш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва қўнималарини амалий машғулотлар бажариш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, гидрометеорологияга оид мисол ва масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали куроллар тайёрлаш, слайдлар, кинофильмлар намойиш этиш ва бошқалар тавсия этилади.

Курс ишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Курс ишининг мақсади талабаларнинг мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда фанни ўрганиш натижасида олган назарий билимларини амалда кўллаш, бевосита гидрометеорология ишлаб чиқаришидаги реал шароитларга мос техник ечимлар қабул қилиш ва замонавий гидрометеорологик ўлчов қурилмалари, асбоблари ва технологияларидан фойдаланиш кўнкимларини ҳосил қилишdir.

Курс ишининг мавзулари бевосита гидрометеорология хизмати, атроф – муҳит муҳофазаси, қишлоқ ва сув хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган жараёнларга боғлиқ ҳолда, аниқ бир дарё, кўл, сув омбори ёки гидрометеорологик станция материаллари мисолида бажарилади. Курс ишининг мавзулари талабаларнинг умумий сонидан 20-30% кўпроқ ҳолда олдиндан тайёрланади. Ҳар бир талабага шахсий топшириқ берилади.

Курс иши объекти сифатида бирор бир дарё, кўл, сув омбори берилади. Аниқ бир дарё ёки кўл учун гидрологик йилнома тузиш, оқим ва метеорологик кўрсаткичларни аниқлаш каби ҳисоб – китоб ишлари амалга оширилади. Курс ишининг ҳисоблаш – график ишларини замонавий компьютер дастурларида бажариш тавсия этилади.

Курс лойиҳасининг тахминий мавзулари:

1. Ўрта Осиёда гидрометеорологиянинг ривожланиш тарихи.
2. Сувнинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти.
3. Табиатда сувнинг айланиши ва унинг оқибатлари.
4. Атмосфера ёғинлари ва буғланиш.
5. Қор кўчкилари ва музликлар.
6. Музликлар, уларнинг ҳосил бўлиши ва режими.
7. Музликларнинг гидрологик аҳамияти.
8. Ўзбекистон музликлари.
9. Ер ости сувлари ва уларнинг ҳаракати.
10. Ер ости сувларини генезиси бўйича таснифлаш.
11. Ер ости сувларининг табиий-географик жараёнлардаги аҳамияти.
12. Дарёлар сув режимининг даврлари.
13. Дарёларнинг тўйиниш манбалари.
14. Дарё оқими ва уни ифодалаш усуслари.
15. Дарё оқимининг ўзгарувчанлиги ва оқим меъёри.
16. Дарёларнинг лойқа оқизиклари.
17. Кўллар ва сув омборлари.
18. Ўрта Осиё кўллари генезиси ҳақида.
19. Кўллар сув режимига антропоген омиллар таъсири.
20. Арнасой кўллар тизими ва унга боғлиқ муаммолар.
21. Орол денгизи муаммоси.
22. Сув омборларининг таснифлари.
23. Сув омборларининг гидрологик режими.
24. Сув омборлари динамикаси.
25. Сув ресурсларининг дарёлар ҳавзалари бўйича тақсимланиши.
26. Сув ресурсларининг табиий ва антропоген омиллар таъсирида сарфланиши.
27. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва муҳофазаси масалалари.
28. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши муаммоларига оид тадқиқотлар.
29. Иқлим ўзгариши бўйича Киото протоколи ва унинг моҳияти.
30. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича Доиравий Конвенцияси ва унинг моҳияти.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил ишни тайёрлашда “Мутахассисликка кириш” фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабага қўйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмаларидан алоҳида мавзуларни ўрганиш;
- тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда фаннинг маъruzalar қисмини ўзлаштириш;
 - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
 - маҳсус адабиётлардан фойдаланган ҳолда фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
 - янги гидрометеорологик техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;
 - фаннинг талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган бўлимларини ва мавзуларини чукур ўрганиш;
 - масофавий (дистанцион) таълимдан ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш ва х.к.

Мустақил иш учун қўйидаги мавзуларни чукур ўрганиш тавсия этилади:

1. Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.
2. Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг мавжуд тизими ва унинг таркибий тузилиш.
3. Гидрометеорология соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик ва унда Ўзбекистоннинг ўрни.
4. Ўзбекистонда амалга оширилган метеорологик тадқиқотлар.
5. Ўзбекистонда амалга оширилган гидрологик тадқиқотлар.
6. Ўзбекистонда амалга оширилган иқлим ўзгариши муаммоларига оид тадқиқотлар.
7. Атмосфера ёғинларининг дарё ҳавзаси бўйича тақсимланиши.
8. Сув юзасидан бўладиган буғланишни аниқлаш усуслари.
9. Атмосфера ёғинлари ва уларнинг ер сиртида тақсимланиши.
10. Буғланиш ва унга таъсир этувчи омиллар.
11. Музликларнинг гидрологик аҳамияти.
12. Қор кўчкилари ва уларни ўрганишнинг аҳамияти.
13. Музликларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг режими.
14. Музликларнинг гидрологик аҳамияти.
15. Ўзбекистон музликлари.
16. Дарёлар сув режимининг даврлари.
17. Дарёларнинг тўйиниш манбалари.
18. Дарё оқими ва уни ифодалаш усуслари.
19. Дарё оқимининг ўзгарувчанлиги ва оқим меъёри.
20. Дарёларнинг лойка оқизиклари.
21. Ўзбекистон кўллари ва сув омборлари.
22. Ўрта Осиё кўллари генезиси.
23. Кўллар сув режимига антропоген омиллар таъсири.
24. Сув омборларининг таснифлари.
25. Сув ресурсларининг дарёлар ҳавзалари бўйича тақсимланиши.
26. Гидрометеорология ва атроф-муҳит муҳофазаси

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуслари, янги педагогик ва ахборот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Дастурдаги барча маъзуза мавзуларини ўтишда таълимнинг замонавий усусларидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижга беради. Бу борада замонавий педагогик технологиянинг “Бумеранг”, “Ёлпифич”, “Ақлий хужум”, “Масофавий таълим”, “Занжир”, “Кластер” ҳамда “Муаммоли таълим” технологиясининг “Мунозарали дарс” каби усусларини кўллаш ўринлидир. Шунингдек, амалий машғулотлар жараёнида гидрологияга тегишли бўлган маҳсус қурилмалар, ўлчов

асбоблари, жадваллар, чизмалар, слайдлар ва кинофильмлардан фойдаланиш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган асосий дарслерлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати
Асосий дарслерлар ва ўқув қўлланмалар

1. Мутахассисликка кириш // Маъruzalар матни. Муаллиф: Ортиқова Ф.Ё. - Тошкент: Университет, 2001.

2. Ҳикматов Ф.Х., Сирлибоева З.С. Gidrometeorologiyaga kirish.-Тошкент: Университет, 2005.

3. Шульц В.Л. Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1969.

Қўшимча адабиётлар

4. Ососкова Т.А., Ҳикматов Ф.Х., Чуб В.Е. Иқлим ўзгариши // Ўқув қўлланма.- Тошкент, 2005.

5. Ососкова Т.А., Ҳикматов Ф.Х., Чуб В.Е. Иқлим ўзгариши // Услубий қўлланма.- Тошкент, 2005.

6. Очерки развития гидрометеорологии в Средней Азии. -Санкт-Петербург: Гидрометеоиздат, 1993.

7. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Х., Айтбаев Д.П. Гидрология асослари. -Тошкент: Университет, 2003.

8. Ҳикматов Ф.Х., Сирлибоева З.С., Айтбаев Д.П. Кўллар ва сув омборлари географияси, гидрологик хусусиятлари. -Тошкент: Университет, 2000.

9. Ҳикматов Ф.Х., Айтбоев Д.П. Кўлшунослик // Ўқув қўлланма.- Тошкент: Университет, 2002.

10. Глазирин Г.Е. Горные ледниковые системы, их структура и эволюция. -Л.: Гидрометеоиздат, 1991.

11. Границы гидрологии. Перевод с английского. - Л.: Гидрометеоиздат, 1987.

12. Шульц В.Л. Реки Средней Азии.- Л.: Гидрометеоиздат, 1965.

13. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. - Изд-во СамГУ, 1960.

14. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан.-Ташкент: НИГМИ, 2000.

15. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. -Ташкент: НИГМИ, 2007.

16. www.undp.uz (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Таракқиёт Дастури веб-сайти)

17. www.gwpcacena.org

18. www.Ziyo.net

«Гасдиқлайман»
География факультети
декани _____
доц. Маҳамадалиев Р.Й.
« 29 » август 2011йил

Гидрометеорология йўналиши 1 курс талабалари учун
«Мутахассисликка кириш» курсидан
ишчи фан дастур

Жами – 240 с.
Маъруза – 50 с.
Амалий машғулот – 76 с.
Курс иши – 90 с.
Рейтинг-24 с.

Курснинг мазмуни

1-маъруза. Мутахассисликка кириш фанининг мақсади, вазифалари. Тадқиқот обьекти ва предмети. Фанинг гидрометеорология тизимидағи бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Фанинг мутахассис тайёрлашда тутган ўрни. Ўрта Осиё сув обьектлари. Ўзбекистонда гидрометеорология хизмати, шаклланиш ва ривожланиш тарихи, истиқболи.

2-маъруза. Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг мавжуд тизими ва унинг таркибий тузилиши. Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг шаклланиши ва ривожланишининг қисқача тарихи. Гидрометеорология хизматининг мақсади ва вазифалари. Гидрометеорология хизматининг вилоят бошқармалари. Атмосфера ҳавоси ва сув обьектларини ифлюсланишдан муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекцияси. Гидрометеорология маркази.

3-маъруза. Сувнинг табиий ва кимёвий хусусиятлари. Сувнинг тузилиши, аномалиялари ва асосий физик хусусиятлари. Табиий сувларнинг кимёвий таркиби ва уларнинг ҳосил бўлиш шароитлари.

4-маъруза. Табиатда сувнинг айланиши. Ер куррасида қуруқлик ва сувнинг тақсимланиши. Ер курраси ва материклар ичida намликтининг айланиши. Сувнинг катта ва кичик айланиши. Ер курраси, Дунё океани, қуруқлик, материкларнинг сув баланси. Атмосферада иссиқликнинг айланиши ва бу жараёнда гидросферанинг роли.

5-маъруза. Дарёлар. Уларнинг турлари ва ер юзасида тарқалиши. Дарёларнинг пайдо бўлиши. Дарёлар-табиатда сув айланиши жараёнининг муҳим элементи. Дарёларнинг экологик аҳамияти. Дарё оқимининг глобал аҳамияти. Дарёлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммолари.

6-маъруза. Дарёларнинг сув режими элементлари ва уларни кузатиш усуслари. Сув сарфи, сув сатҳи, сув юзасининг нишаблиги, тезлиги, ҳарорати, лойқалиги. Дарёларнинг сув режими элементларининг йил давомида ўзгаришлари ва кузатиш усуслари.

7-маъруза. Дарёларнинг тўйиниш манбалари ва сув режими даврлари. Дарёларнинг тўйиниш манбалари. Оқимнинг йил ичida ва худудлар бўйича тақсимланиши. Дарё оқимига тасир кўрсатувчи омиллар. Дарёлар сув режимининг даврлари.

8-маъруза. Музликлар. Қор чизиги. Қор кўчкилари. Қор ва қор қопламининг физик хусусиятлари. Музликлар ва уларнинг ҳосил бўлиши ва режими. Музликларнинг турлари ва тарқалиши. Музликларнинг гидрометеорологик аҳамияти.

9-маъруза. Ер ости сувлари. Уларнинг пайдо бўлиши. Ер ости сувларининг жойлашиш шароитига кўра бўлиниши. Ҳаракати. Режими. Юза ва ер ости сувлари орасидаги ўзаро боғлиқлик.

10 – маъруза. Кўллар ва сув омборлари. Кўлларнинг турлари ва тарқалиши. Кўлларнинг пайдо бўлиши. Кўллар ва сув омборларининг инсон ҳаётидаги аҳамияти.

11 - маъруза. Метеорологик, аэрологик ва иқлимшуносликка оид тадқиқотлар. Синоптик метеорологияга оид тадқиқотлар. Об-хавонинг прогнозлашнинг сонли усуллари. Қишлоқ хўжалиги метеорологиясига оид тадқиқотлар. Агрометеорологик тадқиқотлар.

12-маъруза. Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ЖМТ), унинг мақсади, вазифалари. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти(БМТ)нинг Атроф муҳит муҳофазаси дастури (ЮНЕП). Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенцияси (РКИК). Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро эксперталар гуруҳи (МГЭИК).

13-маъруза. Иқлим ўзгариши муаммолари. Иқлим ҳақида умумий маълумотлар: асосий таъриф ва тушунчалар, иқлим ҳосил қилувчи омил ва жарёнлар, иқлим назарияси – иқлим ўзгаришини олдиндан билишнинг асоси. Иссиқхона эфекти ва иқлим. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари. Иқлим ўзгариши бўйича биргаликдаги халқаро ҳаракатлар.

14-маъруза. Атмосфеоа ёғинлар. Ер куррасида ёғинлар тақсимланишини белгиловчи омиллар. Ёғинларнинг миқдори ва кўринишини белгиловчи энг муҳим бўлган рельеф омили. Ёғинлар умумий миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши. Ҳавза бўйича ўртача ёғин миқдорини аниқлаш усуллари.

15-маъруза. Буғланиш. Буғланишнинг физик моҳияти. Буғланиш миқдорини аниқлаш усуллари. Дальтон қонуни. Мутлақ ва нисбий намлик. Намлик етишмаслиги. Ҳар-хил юзалардан бўладиган буғланиш. Сув юзасидан буғланиш. Буғлатгичлар. Буғланишни ҳисоблаш ифодалари. Транспирация. Ялпи буғланиш. Ялпи буғланиш ва ёғинлар.

16-маъруза. Ўрта Осиёning гидрологик хусусиятлари. Ўрта Осиёning табиий географик ўрни, геологик тузилиши, рельфи, иқлим шароити. Атмосфера ёғинлари, буғланиш, дарё оқими. Сув баланси тенгламаси. Ҳудуднинг оқим ҳосил бўлиш шароитига кўра булиниши.

17-маъруза. Каспий денгизи ҳавзаси ва Туркманистоннинг берк ҳавзалари. Ҳавзанинг умумий таърифи. Артек дарёси: гидрографик таърифи, тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари. Мурғоб дарёси. Тажан дарёси. Копеттог тизмасининг шимоли-шарқий ён бағридаги дарёлар.

18-маъруза. Амударё ҳавзаси гидрографияси. Ҳавзанинг умумий таърифи. Панж, Вахш, Амударё, Кофирниҳон, Сурхондарё, Шерободдарё. Қашқадарё. Зарафшон дарёлари. Дарёларнинг гидрографик таърифи, тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари.

19-маъруза. Сирдарё ҳавзаси гидрографияси. Ҳавзанинг умумий таърифи. Норин, Қорадарё. Сирдарё. Сирдарё ва Қорадраёнинг Фарғона водийсидаги ирмоқлари. Сирдарёнинг Фарғона водийсидан чиққандан кейинги чап ирмоқлари. Чирчиқ, Оҳангарон ва Калас дарёлари ҳавзаси. Чирчиқ дарёси. Оҳангарон дарёси. Калас дарёси. Арис дарёси. Қоратов тизмасининг жануби-ғарбий ёнбағридаги дарёлар. Дарёларнинг тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари.

20-маъруза. Талас, Чуй дарёлари ва Иссиққўл ҳавзаси гидрографияси. Ҳавзанинг умумий таърифи. Талас ва Асса дарёлари. Чуй дарёси. Чуй дарёсининг ирмоқлари. Иссиққўл ҳавзаси.

21-маъруза. Балхаш кўли ҳавзасининг жанубий қисми гидрографияси. Дарёларнинг тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари.

22-маъруза. Ўрта осиё музликлари. Музликларнинг тоғ тизмалари бўйича тақсимланиши. Амударё ҳавзаси музликлари. Сирдарё ҳавзаси музликлари. Иссиққўл ҳавзаси музликлари.

23-маъруза. Ўрта осиё кўллари ва сув омборлари. Тоғлардаги кўллар ва уларнинг пайдо бўлиши. Текисликдаги кўллар ва уларнинг пайдо бўлиши, ўзига хос хусусиятлари.

Кўлларнинг генизиси бўйича таснифи. Сув омборлари ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.

24-маъруза. Гидрометеорология ва атроф-мухит муҳофазаси. Табиий муҳит – инсон ҳаёти ва ишлаб чиқаришнинг манбаи. Дунё океани, қуруқлик сувлари ва атмосферани муҳофаза қилиш. Атроф муҳит муҳофазаси мониторинги ва унда гидрометеорологиянинг тутган ўрни. Гидрометеорологиянинг тараққиёт истиқболлари.

Амалий машғулотлар

1. Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг мавжуд тизими ва унинг таркиби тузилиши схемасини чизиш ва тавсифлаш.
2. Дарёларнинг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш
3. Дарё гидрографини чизиш ва уни таҳлил қилиш.
4. Дарёлар сув режими фазаларини аниқлаш.
5. Дарёларнинг тўйиниш манбалари миқдорини аниқлаш.
6. Атмосфера ёғинларининг дарё ҳавзаси бўйича тақсимланишини ўрганиш.
7. Сув юзасидан бўладиган буғланишни аниқлаш усуслари ва уларни тавсифлаш.
8. Маълум бир дарё ёки кўл ҳавзасига гидрографик тавсиф бериш.
9. Ўрта Осиё музликларини “Музликлар каталоги”дан ўрганиш.
10. Ўрта Осиё кўлларининг генезиси бўйича таснифлаш схемасини чизиш ва тавсифлаш.

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Мутахассисликка кириш // Маърузалар матни. Муаллиф: Ортиқова Ф.Ё. - Тошкент: Университет, 2001.
2. Ҳикматов Ф.Х., Сирлибоева З.С. Gidrometeorologiyaga kirish.-Тошкент: Университет, 2005.
3. Шульц В.Л. Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1969.

Кўшимча адабиётлар

4. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Х., Айтбаев Д.П. Гидрология асослари. -Тошкент: Университет, 2003.
5. Ҳикматов Ф.Х., Сирлибоева З.С., Айтбаев Д.П. Кўллар ва сув омборлари географияси, гидрологик хусусиятлари. -Тошкент: Университет, 2000.
6. Ҳикматов Ф.Х., Айтбоев Д.П. Кўлшунослик // Ўқув қўлланма.- Тошкент: Университет, 2002.
7. Глазирин Г.Е. Горные ледниковые системы, их структура и эволюция. –Л.: Гидрометеоиздат, 1991.
8. Шульц В.Л. Реки Средней Азии.- Л.: Гидрометеоиздат, 1965.
9. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. - Изд-во СамГУ, 1960.

Мазкур ишчи дастур Қуруқлик гидрологияси кафедрасининг 26 август 2011 йилдаги мажлисида муҳокама қилинган ва факультет ИКга тасдиқлаш учун тавсия этилган (1 - сонли байённома).

Тузувчи:

доц. Аденбаев Б.Е.

Кафедра мудири:

проф. Ҳикматов Ф.Х.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
 География факультети
 декани _____
 доц. Маҳамадалиев Р.Й.
 « 29 » август 2011 йил

КАЛЕНДАР ИШ РЕЖАСИ
(Рейтинг картаси)

2011-2012 ўкув иили

Мутахассисликка кириш, гидрометеорология йўналиши 1-курс ўзбек гурухи, География факультети, қуруқлик гидрологияси кафедраси. Ўқитувчи доц. Аденбаев Б.Е.

Маъруза - 50 соат, амалий машғулот - 76 соат, курс иши - 90 соат, рейтинг – 24 соат. Жами 240 соат

Вакт	Дарс тури	Ажрат. соат	МАВЗУЛАР	Рейтинг режаси		
				жб	об	яб
I. МАЪРУЗАЛАР						
IX	M-1	2	<i>Мутахассисликка кириши фанининг мақсади, вазифалари. Тадқиқот обьекти ва предмети. Фанинг гидрометеорология тизимида бошқа фанлар билан боғлиқлиги.</i>			
IX	M-2	2	<i>Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг мавжуд тизими ва унинг таркиби тузилиши. Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг шаклланиши ва ривожланишининг қисқача тарихи. Гидрометеорология хизматининг мақсади ва вазифалари.</i>			
IX	M-3	2	<i>Сувнинг табиий ва кимёвий хусусиятлари. Сувнинг тузилиши, аномалиялари ва асосий физик хусусиятлари. Табиий сувларнинг кимёвий таркиби ва уларнинг ҳосил бўлиш шароитлари.</i>			
IX	M-4	2	<i>Табиатда сувнинг айланиши. Ер куррасида қуруқлик ва сувнинг тақсимланиши. Ер курраси ва материклар ичida намликтининг айланиши. Сувнинг катта ва кичик айланиши.</i>			
IX	M-5	2	<i>Дарёлар. Уларнинг турлари ва ер юзасида тарқалиши. Дарёларнинг пайдо бўлиши. Дарёлар-табиатда сув айланиши жараёнининг муҳим элементи.</i>			
X	M-6	2	<i>Дарёларнинг сув режими элементлари ва уларни кузатиш усуслари. Сув сарфи, сув сатҳи, сув юзасининг нишаблиги, тезлиги, ҳарорати, лойқалиги. Дарёларнинг сув режими элементларининг йил давомида ўзгаришлари ва кузатиш усуслари.</i>			
X	M-7	2	<i>Дарёларнинг тўйиниши манбалари ва сув режими даврлари. Дарёларнинг тўйиниши манбалари. Оқимнинг йил ичida ва худудлар бўйича тақсимланиши. Дарё оқимига тасир кўрсатувчи омиллар. Дарёлар сув режимининг даврлари.</i>			
X	M-8	2	<i>Музликлар. Қор чизиги. Қор кўчкилари. Музликлар ва уларнинг ҳосил бўлиши ва режими. Музликларнинг турлари ва тарқалиши. Музликларнинг гидрометеорологик аҳамияти.</i>			
X	M-9	2	<i>Ер ости сувлари. Уларнинг пайдо бўлиши. Ер ости сувларининг жойлашиш шароитига кўра бўлиниши. Ҳаракати. Режими. Юза ва ер ости сувлари орасидаги ўзаро боғлиқлик.</i>			

X	M-10	2	<i>Кўллар ва сув омборлари.</i> Кўлларнинг турлари ва тарқалиши. Кўлларнинг пайдо бўлиши. Кўллар ва сув омборларининг инсон ҳаётидаги аҳамияти.			
XI	M-11	2	<i>Метеорологик, аэрологик ва иқлимишуносликка оид тадқиқотлар.</i> Синоптик метеорологияга оид тадқиқотлар. Қишлоқ хўжалиги метеорологиясига оид тадқиқотлар. Агрометеорологик тадқиқотлар.			
XI	M-12	2	<i>Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ЖМТ), унинг мақсади, вазифалари.</i> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти(БМТ)нинг Атроф мухит муҳофазаси дастури (ЮНЕП). Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенцияси.		10	
XI	M-13	2	<i>Иқлим ўзгариши муаммолари.</i> Иқлим ҳақида умумий маълумотлар: асосий таъриф ва тушунчалар, иқлим ҳосил қиливчи омил ва жарёнлар, иқлим назарияси – иқлим ўзгаришини олдиндан билишнинг асоси. Иссиқхона эффекти ва иқлим. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари.			
XI	M-14	2	<i>Атмосфера ёғинлар.</i> Ер куррасида ёғинлар тақсимланишини белгиловчи омиллар. Ёғинларнинг миқдори ва кўринишини белгиловчи энг муҳим бўлган рельеф омили. Ёғинлар умумий миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши. Ҳавза бўйича ўртacha ёғин миқдорини аниқлаш усуллари.			
XI	M-15	2	<i>Буғланиши.</i> Буғланишнинг физик моҳияти. Буғланиш миқдорини аниқлаш усуллари. Буғланишни ҳисоблаш ифодалари. Транспирация. Ялпи буғланиш. Ялпи буғланиш ва ёғинлар			
XII	M-16	4	<i>Ўрта Осиёning гидрологик ҳусусиятлари.</i> Ўрта Осиёning табиий географик ўрни, геологик тузилиши, рельфи, иқлим шароити. Атмосфера ёғинлари, буғланиш, дарё оқими.			
XII	M-17	2	<i>Каспий денгизи ҳавзаси ва Туркманистоннинг берк ҳавзалари.</i> Ҳавзанинг умумий таърифи. Артек дарёси: гидрографик таърифи, тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари. Мурғоб дарёси. Тажан дарёси. Копеттог тизмасининг шимоли-шарқий ён бағридаги дарёлар.			
XII	M-18	2	<i>Амударё ҳавзаси гидрографияси.</i> Ҳавзанинг умумий таърифи. Панж, Вахш, Амударё, Кофирниҳон, Сурхондарё, Шерободдарё. Қашқадарё. Зарафшон дарёлари. Дарёларнинг гидрографик таърифи, тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари.			
XII	M-19	2	<i>Сирдарё ҳавзаси гидрографияси.</i> Ҳавзанинг умумий таърифи. Норин, Қорадарё. Сирдарё. Сирдарё ва Қорадраёнинг Фарғона водийсидаги ирмоқлари. Сирдарёнинг Фарғона водийсидан чиққандан кейинги чап ирмоқлари. Чирчик, Оҳангарон ва Калас дарёлари ҳавзаси			
XII	M-20	2	<i>Талас, Чуй дарёлари ва Иссиқкўл ҳавзаси гидрографияси.</i> Ҳавзанинг умумий таърифи. Талас ва Асса дарёлари. Чуй дарёси. Чуй дарёсининг ирмоқлари. Иссиқкўл ҳавзаси.			

I	M-21	2	Балхаш кўли ҳавзасининг жсанубий қисми гидрографияси. Дарёларнинг тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари, йирик ирмоқлари.			
I	M-22	2	Ўрта осиё музликлари. Музликларнинг тоғ тизмалари бўйича тақсимланиши. Амударё ҳавзаси музликлари. Сирдарё ҳавзаси музликлари. Иссиккўл ҳавзаси музликлари.			
I	M-23	2	Ўрта осиё кўллари ва сув омборлари. Тоғлардаги кўллар ва уларнинг пайдо бўлиши. Текислиқдаги кўллар ва уларнинг пайдо бўлиши, ўзига хос хусусиятлари.			
I	M-24	2	Гидрометеорология ва атроф-муҳит муҳофазаси. Табиий муҳит – инсон ҳаёти ва ишлаб чиқаришнинг манбай. Дунё океани, қуруқлик сувлари ва атмосферани муҳофаза килиш. Атроф муҳит муҳофазаси мониторинги ва унда гидрометеорологиянинг тутган ўрни		15	30
II. АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР						
IX	A-1	6	Ўзбекистонда гидрометеорология хизматининг мавжуд тизими ва унинг таркибий тузилиши схемасини чизиш ва тавсифлаш.	3		
IX	A-2	8	Дарёларнинг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш	5		
X	A-3	8	Дарё гидрографини чизиш ва уни таҳлил қилиш.	5		
X	A-4	8	Дарёлар сув режими фазаларини аниқлаш.	5		
X	A-5	8	Дарёларнинг тўйиниш манбалари миқдорини аниқлаш.	5		
XI	A-6	8	Атмосфера ёгинларининг дарё ҳавзаси бўйича тақсимланишини ўрганиш.	5		
XII	A-7	8	Сув юзасидан бўладиган буғланишни аниқлаш усуслари ва уларни тавсифлаш.	5		
XII	A-8	8	Маълум бир дарё ёки кўл ҳавзасига гидрографик тавсиф бериш.	5		
I	A-9	8	Ўрта Осиё музликларини “Музликлар каталоги”дан ўрганиш.	5		
I	A-10	6	Ўрта Осиё кўлларининг генезиси бўйича таснифлаш схемасини чизиш ва тавсифлаш.	2		
Жами:				45	25	30

Адабиёт

- 1.Мутахассисликка кириш // Маърузалар матни. Муаллиф: Ортиқова Ф.Ё. -Тошкент: Университет, 2001.
- 2.Ҳикматов Ф.Х., Сирлибоева З.С. Gidrometeorologiyaga kirish.-Тошкент: Университет, 2005.
- 3.Шульц В.Л. Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1969.
- 4.Ососкова Т.А., Ҳикматов Ф.Х., Чуб В.Е. Иқлим ўзгариши // Ўқув қўлланма.- Тошкент, 2005.
- 5.Ососкова Т.А., Ҳикматов Ф.Х., Чуб В.Е. Иқлим ўзгариши // Услубий қўлланма.- Тошкент, 2005.
6. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Х., Айтбаев Д.П. Гидрология асослари. -Тошкент: Университет, 2003.
7. Ҳикматов Ф.Х., Сирлибоева З.С., Айтбаев Д.П. Кўллар ва сув омборлари географияси, гидрологик хусусиятлари. -Тошкент: Университет, 2000.
8. Ҳикматов Ф.Х., Айтбоев Д.П. Кўлшунослик // Ўқув қўлланма.- Тошкент: Университет, 2002.

Тузувчи:

доц. Аденбаев Б.Е

Кафедра мудири:

проф. Ҳикматов Ф.Х.

**Мирзо Улурбек номидаги
Узбекистон Миллий университети**

«Тасдиқлайман»
География факультети
декани _____
доц. Маҳамадалиев Р.Й.
«29» август 2011йил

География факультети
Куруқлик гидрологияси
кафедраси

Гидрометеорология йўналиши I курс талабалари билимини
«Мутахассисликка кириш» фанидан рейтинг тизими
асосида назорат қилиш ва

б а ҳ о л а ш м е з о н и

Максимал балл	100
Оралиқ назорат	25 (ОН)
Жорий назорат	45 (ЖН)
Якуний назорат	30 (ЯН)

Тошкент - 2011

Талабалар билимини рейтинг тизими асосида
назорат қилиш ва баҳолаш
мезонлари

Фан: Мутахассисликка кириш

Ўқитувчи: доц. Б.Е.Аденбаев

Ўқув йили: 2011-2012 й.

Семестр: 1

Маъруза - 50 с.,
Амалий машғулот - 76 с.,
Курс иши - 90 с.,
Рейтинг – 24 с.
Жами – 240 с.

№	Назорат тури	Max. балл	Саралаш бали	Ўтказиш вақти
1.	Жорий назорат	5	3	Сентябрь
2.	Жорий назорат	5	3	Сентябрь
3.	Жорий назорат	4	2	Октябрь
4.	Жорий назорат	4	2	Октябрь
5.	Жорий назорат	4	2	Октябрь
6.	Жорий назорат	5	3	Ноябрь
7.	Жорий назорат	4	2	Ноябрь
8.	Жорий назорат	4	2	Декабрь
9.	Жорий назорат	5	3	Декабрь
10.	Жорий назорат	5	3	Январь
11.	1 - Оралиқ назорат	10	6	Ноябрь 1 декадаси
12.	2- Оралиқ назорат	15	8	Семестр давомида талабалар томонидан мустақил тайёрланади ва семестр охиригача берилган топшириқ бажарилган вақтда топширилади
13.	Якуний назорат	30	17	Январь 3 декадаси

Жорий баҳолаш мезонлари:

Амалий машғулотлардаги баҳолаши жараёнида қуйидагилар инобатга олинади:

- мустақил назарий тайёргарлик даражаси;
- амалий машғулот топшириқларини бажариш жараёнида назарий билимларни түғри кўллай билинганилиги (керакли формула, қонуниятлар түғри ишлатилганлиги).

Оралиқ баҳолаш мезонлари:

- фаннинг ОБ учун белгиланган бўлими ёки қисми бўйича назарий билимларнинг тўла ўзлаштирганлик даражаси;
- олинган назарий билимларни кўллай билиш қўникмаларининг шаклланганлик даражаси;
- қўйилган саволларга берилган жавобларнинг илмий асосланганлиги;

- ўтилган мавзулар бўйича мустақил фикрлаш қобилиятини намоён зтганлиги;
- тавсия этилган адабиётлардан ташқари, қўшимча манбалардан фойдаланилганлик.

Якунин баҳолаш мезонлари:

- фан бўйича назарий билимларнинг тўла ўзлаштирганлик даражаси;
- олинган назарий билимларни амалда қўллай билиш кўникмаларининг шаклланганлиги;
- қуилган саволларга берилган жавобларнинг аниқ ва лўнда илмий асосланганлиги;
- ўтилган фан бўйича мустақил фикрлаш қобилиятини шаклланганлиги;
- тавсия этилган адабиётлар ва қўшимча манбаларни ўзлаштирганлиги.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи қуидаги мезонлар асосида баҳоланади:

a) **86-100** балл учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- хуроса ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

b) **71-85** балл учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

v) **56-70** балл учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

g) қуидаги холларда талабанинг билим даражаси 0-55 балл билан баҳоланиши мумкин:

- аник тасаввурга эга булмаслик;
- жавобларда хатоликларга йўл қўйилганлик;
- билмаслик.

Баҳолаш мезони Қуруқлик гидрологияси кафедрасининг 2011 йил 26 августдаги мажлисида муҳокама этилган (баённома № 1).

Тузувчи:

Кафедра мудири

доц. Б.Е.Аденбаев

проф. Ф.Х.Ҳикматов

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маълумки, таълим технологияси - “техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларнинг ўз олдига таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули” ҳисобланади (ЮНЕСКО).

Тизимли туркум (категория) каби таълим технологияси қўйидагиларни ифодалайди:

- педагогик тизимнинг таркибий қисмларини (компонентларини);
- таълим технологиясининг таркибий қисмларини (элементларини), унинг процессуал қисмини;
- таълим методикасининг кейинги даражасини – мақсадга эришиш учун услугий (методик) тизимни ўқув жараёни қатнашчиларининг харакат изчилигига айлантиради.

Мутахассисликка кириш курсини самарали ўқитиш мақсадида қўйидаги технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилган:

- муаммоли ўқитиш;
- танқидий фикрлашни ривожлантирувчи технологиялар;
- ривожлантирувчи таълим технологиялари;
- ўйинли технологиялар;
- хамкорлик технологиялари;
- ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси;
- программалаштирилган ўқитиш технологиясси;
- компьютер- ахборот технологиялари.

Фанни ўқитишда интерфаол усулларни қўллаш самарали натижа беради. Чунки, интерфаол усуллар талабаларда мантиқий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Қўйида курсни ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир технологияларга тавсиф берамиз.

“ТАРМОҚЛАР” методи – талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишини ўргатишга қаратилган.

“БУМЕРАНГ” техникаси – талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

“МУЛОҚОТ” техникаси –аудиториядаги талабалар диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёгига ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишини ўргатишга қаратилган.

“ТАРМОҚЛАР МЕТОДИ” (Кластер) - фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларни бирон бир мавзуни чукур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга тааллуқли тушунча ва аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашга ўргатади. Бу метод бирон мавзуни чукур ўрганишдан аввал талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадваллаштириш ҳамда кенгайтиришга эришиш мумкин.

“БУМЕРАНГ” технологияси - мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалининг чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб этиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муомала, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли баллни тўплашига имконият беради. “Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантиқий шаклланишга имконият яратади; хотирани чархлайди, дикқатни кучайтиради. Гояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради: жамоа билан ишлаш маҳорати; муомалалик; хушфеъллик; қониқувчанлик; ўзгалар фикрига хурмат; фаоллик; раҳбарлик сифатларини шакллантириш; ишга ижодий ёндашиш; ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш; ўзини ҳолис баҳолаш.

“СКАРАБЕЙ” технологияси - “Скарабей” интерактив технология бўлиб, у талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқий хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология талабаларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиасини ҳолис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. У айни пайтда, турли гояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқларни аниқлашга имкон яратади. Мазкур технологиядан ўқув материалининг турли босқичларини ўрганишда фойдаланиш имконияти мавжуд.

“ВЕЕР” технологияси - мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммо характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология гидрологик прогнозлар курсида танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз гоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ
фанидан маъruzalар матни**

Тошкент-2011

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
География факультети

Университетимиз миллий зиёлларимиз ташаббуси билан 1918 йилнинг 12 майида Халқ университети сифатида ташкил топган. Кейинчалик у Ўрта Осиё Давлат университети, Тошкент Давлат университети деб аталган.

2000 йилнинг 28 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан Тошкент давлат университетига "Ўзбекистон Миллий университети" мақоми берилди.

Ўзбекистон Миллий университети таркибидан Ўрта Осиёдаги бир қанча олий Ўқув юртлари ва илмий текшириш институтлари ажralиб чиқкан. Жумладан, университет факультетлари негизида:

- Тупроқшунослик ва геоботаника институти (Тошкент);
- Помир биостансияси (Тожикистан);
- Ўрта Осиё геология-қидируг институти;
- Ўрта Осиё индустрисал институти;
- Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизатсиялаштириш институти;
- Ўрта Осиё қуририлиш институти;
- Ўрта Осиё молия-иктисод институти;
- Ўрта Осиё пахтчилик институти;
- Ўрта Осиё енергетика институти;
- Тожикистан агропедагогика институти;
- Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсия-лаштириш институти;
- Тошкент тиббиёт институти;
- Тошкент қишлоқ хўжалиги институти;
- Тожик қишлоқ хўжалик институти;
- Самарқанд халқ хўжалиги институти ва бошқалар ташкил топган.

Хозирги кунда университетда 15 факультет, Тиллар маркази, Амалий физика илмий текшириш институти, Олий Педагогика институти мавжуд. Илмий-тадқиқот бўлими қошида амалий экология ва табиатдан самарали фойдаланиш илмий тадқиқот бўлими, Ботаника боғи, 17 та илмий лаборатория фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ институтлари билан университетимиз факультетлари орасида мунтазам илмий ҳамкорлик ўрнатилган. Жумладан, механика-математика, факултет академиянинг Математика институти билан Механика-математика факултети Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти билан, физика факултети Физика-техника институти, Ядро физикаси институти, Астрономия институти билан, кимё факултети-Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Умумий ва ноорганик кимё институти, Биорганик кимё институти билан, геология факултети Геология ва геофизика институти билан, география факултети Сейсмология институти, Сув муаммолари институти билан, Биология факултети Микробиология институти билан илмий-амалий ҳамкорлик ўрнатган.

Университетимиз ректори физика-математика фанлари доктори, профессор Равшан Ражабович Ашурев математика соҳасида таникли олим, М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг Механика-математика факултетини тугатган.

Бугунги кунда университетда юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида етибор берилмоқда. Университетни тугатган бакалаврлар ўз соҳаси бўйича фундаментал билимга эга, мустақил фикрлашга, керакли малумотни тез ва тўғри излаб топишга қодир бўлган, Ўзбекистоннинг ривожига ўз ҳиссасини қўша оладиган, ўз халқи тарихини, маданиятини чуқур биладиган, зеҳнли, баркамол инсон бўлиши лозим.

Кўйида география факультет ҳақида қисқача малумотларни келтирамиз.

Декан-география фанлари номзоди, дотсент Равшан Йўлдошевич Маҳамадалиев.

Илмий ишлар бўйича декан мувини-география фанлари номзоди, дотсент Эгамбердиев Асомберди Эгамбердиевич.

Ўқув ишлари бўйича декан мувини-катта ўқитувчи Маҳмуджон Жалолитдинович Болтаев.

Манавий ва марифий ишлар бўйича декан мувини-катта ўқитувчи Шавкат Шарипов.

Ўзбекистон Миллий Университетида олий малумотли географ-мутахассислар тайёрлаш 1935 йилдан бошланган.

Университетда дастлабки география кабинети ва кафедралари йигирманчи йиллар бошиданоқ ташкил этила бошлаган. Чунончи, 1920 йили университетнинг ҳарбий факультетида Туркистон географияси кафедраси ташкил этилган бўлиб, унга Ўрта Осиёнинг йирик тадқиқотчиси таникли географ, профессор Н.Л.Корженевский раҳбарлик қилган. 1921 йили геодезия кафедраси ташкил этилиб, унга профессор Н.И. Лебединский мудирлик қилган.

1935 йили университетда геология-тупроқшунослик-география факултети очилди. Янги факултет қошида шу йилдаёқ табиий ва иқтисодий география кафедраси ташкил этилди. 1939 йилнинг кузидаги факултетни дастлабки географлар битириб чиқдилар.

1945 йили мустақил география факультети ташкил этилди. У ўзининг олтмиш йиллик фаолияти давомида Ўзбекистонда география фанининг ва олий география талимининг йирик марказига айланди. Ҳозирги кунда факултет таркибида қуйидаги бешта кафедра фаолият кўрсатмоқда: қуруқлик гидрологияси, табиий география ва география ўқитиши методикаси, иқтисодий география ва минтақавий иқтисодиёт, геодезия, картография ва кадастр, аҳолишунослик.

Шунингдек, факултетда аҳоли муаммолари билан шуғулланадиган илмий марказ, Ҳ.Ҳасанов номидаги "Глобус" ўқув услубий хонаси, беш мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона мавжуд. Кафедралар қошида эса ихтисослашган ўқув кабинетлари ишлаб турибди.

Факультетда 10 фан доктори, профессор ва 18 фан номзоди, дотсентлар ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш ва табиатдан оқилона фойдаланиш, ватанимиз худудида ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш каби долзарб муаммолар бўйича кенг қамровли тадқиқотларни олиб бормоқдалар.

Факультет қошида география фанларидан номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимояя қабул қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Факултет Россия, Япония, Хитой, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва бошқа хорижий мамлакатлари университетлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Қуруқлик гидрологияси кафедраси 1945 йили профессор В.М.Четиркин ва В.Л.Шульц ташаббуси билан ташкил этилган. Бу кафедра 1998 йилгача Ўрта Осиёда мухандис-гидрологлар тайёрловчи ягона кафедра еди. Кафедрада турли йилларда таникли олимлар В.Л.Шульц О.П.Шеглова, И.Р.Алимухамедов, А.Р.Расулов, Л.Н.Шалатова, Е.И.Вединеева, Н.К.Лукина, М.Н.Носиров ва бошқалар ишладилар.

Ҳозирги кунда кафедрани география фанлари доктори Ф.Х.Ҳикматов бошқармокда. Кафедрада 3 та фан доктори (Ф.Х.Ҳикматов, Г.Е.Глазирин, Г.Н.Трофимов), 4 та фан номзоди (доц. З.С.Сирлибоева, доц. Ф.Я.Ортиқова, доц. Д.П.Айтбоев, доц. Б.Е.Аденбаев, доц. Ф.Юнусов), 1 та катта ўқитувчи (Н.З.Сагдеев) фаолият кўрсатмоқдалар. Кафедрада талабаларга тармоқ институтларидан проф. М.О.Ёкубов, Е.В.Чуб, проф. Э.И.Чемибарисов, проф. Б.К.Царёв каби йирик мутахассислар ҳам илм-фан сирларини ўргантмоқдалар.

Илмий тадқиқот ишлари мавзулари асосан Ўрта Осиё дарёлари гидрологик режимини ўрганиш, унга табиий ва антропоген омиллар таъсирини баҳолашга бағишиланган. Сўнгги йилларда суфориладиган ерлардаги сув балансини ўрганиш юзасидан долзарб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сув омборларининг режими,

лойқаланиши, гидрокимёвий таркиби, Орол денгизи ҳавзаси ер усти сувлари картасини тузиш каби мұхым илмий масалалар гидрологларимизнинг диққат марказидадир.

Табиий география ва географии ўқитиши методикаси кафедраси. 1935 йили профессор Н.Л.Корженевский томонидан ташкил етилган. Кафедрада турли йилларда йирик олимлар Ю.А.Скворцов, Л.Н.Бабушкин, Н.Д.Долимов, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, Н.А.Когай, О.Ю.Пославская, Р.У. Раҳимбеков, А.А.Рағиков ва бошқалар ишладилар. Ҳозирда кафедрани география фанлари доктори, профессор Ниғматов А.Н. бошқармоқда.

Иқтисодий география ва минтақавий иқтисодиёт кафедраси. 1940 йили ташкил етилган. Кафедрада турли йилларда таниқли олимлар Г.Н.Чернадсев, С.Д.Муравейский, Т.Э.Эгамбердиев, З.М.Акрамов, О.Б.Ота-Мирзаев, Р.А.Ходиев, Т.И.Раимов ва бошқалар ишладилар. 1984 йилдан бошлаб кафедрани профессор А.С.Солиев бошқармоқда. Унда 3 та фан доктори, профессор, 2 фан номзоди, дотсент ва 3 ўқитувчи ишлаб турибди. Кафедранинг ҳозирги асосий илмий йўналишлари-бозор иқтисодиёти билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, иқтисодий раёнлаштириш ва минтақавий сиёсатнинг илмий асосларини яратиш, иқтисодий географик тадқиқотларни ижтимоий ва сиёсий йўналишларда кенгайтириш, Ўзбекистон шаҳарлари аҳолиси ва ривожланишини ўрганиш, таҳлил қилиш ва прогнозлашдир.

Демография кафедраси. 2000 йили ташкил етилган. Унга дотсент М.Р.Бўриева мудирлик қилмоқда. Кафедрада 2 фан номзоди, дотсент ва 3 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Кафедра ўқитувчилари марзуа ўқиши билан бирга 2000 йилдан бошлаб "Янги иқтисодий шароитда Ўзбекистоннинг демографик ривожланиши" мавзуида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Геодезия, картография ва кадастр кафедраси. 1921 йили ташкил етилган бўлиб, унга профессор Н.А.Лебединский 1948 йилгача мудирлик қилган. 1999 йилдан бошлаб кафедрага профессор Т.М.Мирзалиев раҳбарлик қилмоқда. Кафедрада турли йилларда топограф Ф.Л.Топоркин, профессорлар И.Т.Красовский, Т.Қўзибоев, дотсентлар Ч.В.Галков, Е.Г.Бродский, Л.Ҳ.Ғуломова, катта ўқитувчилар Э.Олимжонов, Л.М.Қўзибоева, Л.Т.Солиева, Э.Сафаров ва бошқалар ишладилар. Ҳозирги кунда кафедрада 2 фан доктори, профессор, 3 фан номзоди, дотсент ва 4 нафар ўқитувчи ишлаб турибди.

МАВЗУ. КУРСНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ

Ушбу мавзуда талабалар гидрометеорологиянинг ер ҳақидағи фанлар туркумида әгаллаган ўрни, , ташкил этувчи қисмлари, шунингдек гидрометеорологик изланишиларда құлланиладиган усуллар билан таништирилади.

Режа:

- 1. Мавзунинг мақсади;*
- 2. Тадқиқот обьекти ва предмети;*
- 3. Гидрометеорологик изланишиларда құлланиладиган усуллар*

"Мутахассисликка кириш" курси бўлажак бакалавр-гидролметеоролог талабаларга ўқиладиган биринчи маҳсус курс ҳисобаланади. Курснинг мақсади гидрометеорология йўналишидаги асосий ва маҳсус фанлар тизими, уларнинг мазмуни ва тадқиқот усуллари ҳақида умумий тушунчалар беришдан иборатdir. Бу курсда биз талабаларни атмосферада, қуруқлик сувларида (дарёлар, кўллар, музликлар, ботқоқликлар, сув омборлари), океанлар ва денгизларда кечадиган ҳодиса ва жараёнларнинг асосий қонуниятлари билан таништирамиз. Ушбу курс гидрометеорология фанлари туркумидаги бошқа фанларни, жумладан "Умумий гидрология", "Метеорология", "Иқлиминшунислик", "Лимнология", "Глатциология", "Океанология" кабиларни ўргатишида асос бўлиб хизмат қиласи.

Гидрология ер тўғрисидаги фанлар туркумига кирувчи фан бўлиб, у гидросферанинг хусусиятларини, унда кечадиган жараёнларни ва ҳодисаларни атмосфера, литосфера ва биосфера билан боғлиқ ҳолда ўрганади.

Гидрология фани ўрганаётган сув обектларига асосланиб, океанлар гидрологияси ва қуруқлик гидрологиясига бўлинади. Бундан ташқари, гидрология ўрганилаётган масалалар туркумига ва тадқиқот усулларига қўра қўйидаги қисмларга бўлинади:

- 1. Гидрометрия;*
- 2. Гидрография;*
- 3. Гидрологик ҳисоблашлар (муҳандислик гидрологияси);*
- 4. Гидрологик прогнозлар.*

Гидрометрия фани гидрологиянинг ўлчов усуллари ва қурилмалари ҳақидағи қисмидир. Бу фан сув режими элементлари (сув сатҳи, сарфи, сувнинг тезлиги, сув юзаси нишаблиги) ни ўлчаш, кузатиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни бевосита амалга ошириш ишлари билан шуғулланади. Демак, бу фаннинг асосий вазифаси дарёларнинг гидрологик характеристикаларини миқдорий аниқлаш учун усуллар ва асбоблар яратиш ҳамда улар ёрдамида сув режимининг барча элементаларини аниқлаб беришдир.

Гидрография эса малум ҳудуддаги сув обектларининг ўзига хос хусусиятларини жойнинг табиий географик шароитига боғлиқ ҳолда ўрганиб, уларнинг гидрологик баёнини тузиш билан шуғулланади.

Гидрологик ҳисоблашлар барча сув хўжалиги, гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш учун зарур бўлган гидрологик малумотларни математик ва айrim ҳолларда географик усулларни кўллаб, ҳисоблаб бериш вазифасини бажаради.

Гидрологик прогнозлаш фани эса гидрология ва метеорология малумотларига асосланган ҳолда сув обектларидаги гидрологик ҳодисаларни олдиндан айтиб бериш вазифасини бажаради.

Табиат сувлари географик муҳитнинг енг асосий компонентидир. У ёки бу ҳудуддаги сув обектларида мавжуд бўлган сувлар шу ҳудуднинг сув ресурсларини ташкил этади. Сув энг асосий табиий бойлиқдир.

Гидрология фани ўз олдига қўйилган вазифаларни бир қатор табиий фанлар билан ҳамкорликда бажаради. Булардан, биринчи навбатда иқлиминшунислик, метеорология, геология ва табиий география фанларини айтиш мумкин.

Сув ҳавзаларида кечадиган ҳодисалар қонуниятларини тўла ўрганиш, тегишли хulosалар чиқариш ва улардан амалда самарали фойдаланиш мақсадида гидрологияда турли тадқиқот усуллари қўлланилади.

Гидрология фани олдига қўйилган масалалар асосан қуйидаги тадқиқот усулларидан фойдаланилган ҳолда ҳал қилинади;

1. Статционар усул (доимий кузатишлар усули);
2. Экспедитция усули;
3. Тажриба-лаборатория усули;
4. Математик моделлар тузиш усули.

Статционар усулда сув обектлари-дарёлар, қўллар, музликларнинг гидрологик режими элементлари кўп йиллар давомида, куннинг малум белгиланган соатларида мунтазам равишида кузатиб борилади.

Малумки, гидрологик режим табиий-географик омиллар, биринчи навбатда иқлим тасирида ҳосил бўлади ва сув сатҳи, сув сарфи, сув ҳарорати, музлаш ҳодисалари, ериган моддалар ҳамда лойқа оқизиқлар оқими ва бошқа элементларнинг кунлик, мавсумий, кўп йиллик ўзгаришларида намоён бўлади.

Статционар усулдаги кузатиш ишлари фан ва амалиёт еҳтиёжларини ҳисобга олиб, мутахассислар томонидан маҳсус тузилган ягона дастур ва қўлланмаларга қатий амал қилган ҳолда бажарилади. Мамлакатимиз дарёлари, қўллари, сув омборлари ва музликларида бу ишлар асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) га қарашли 180 га яқин гидрологик стансиялар ва кузатиш жойлари (постлар) да амалга оширилади. Айрим ҳолларда бу усулдаги тадқиқотлар тегишли муассасалар, масалан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли кузатув жойларида ҳам ўтказилади.

Экспедитция усулида маълум худуддаги нисбатан кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган сув обектлари тўғридан тўғри дала шароитида умумий тарзда ёки аниқ бир йўналишдаги мақсадни кўзлаб тадқиқ етилади. Бу усулда бажарилиши зарур бўлган гидролоик ўлчов ва кузатув ишлари мажмуи экспедитсия олдига қўйилган вазифаларга боғлиқ ҳолда олдиндан тузилган дастурда батафсил кўрсатилган бўлади. Экспедитсия шароитида асосан маконда кенг миқёсда ўзгарувчан, лекин вақт бўйича кам ўзгарадиган гидрологик ҳодиса ва жараёнлар тадқиқ қилинади.

Ўрганилаётган худуднинг гидрологик тармоқларида нисбатан қисқа муддатда (бир неча ойлардан то бир-икки ва базан ундан ҳам кўп йилларда) ўлчов ва кузатув ишлари бажарилиб, керакли малумотлар топланади.

Иzlанишлар натижасида тўпланган барча малумотлар экспедитсия ҳисботида умумлаштирилади ва улардан тегишли хulosалар чиқарилади. Бу хulosалар асосида худуднинг сув захираларидан ҳалқ хўжалигида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ҳам берилади.

Республикамида ҳар йили Бошгидромет, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар Академияси ва бошқа сув билан боғлиқ бўлган муассасалар тизимларида бир қанча маҳсус экспедитсиялар ташкил етилиб, уларнинг ҳар бири ўзларининг малум мақсад ва вазифаларига эга бўлади.

Тажриба-лаборатория усули сувнинг табиий ва кимёвий хоссаларини аниқлаш, гидродинамик ҳодисаларни ва бошқа жараёнларни моделлаш шароитида ўрганиш имконини беради. Тажрибалар лойиҳа-илмий тадқиқот институтларида маҳсус ускуна ва курилмалар билан жиҳозланган лабораторияларда амалга оширилади. Бу усул айниқса гидротехник иншоотлар (ГЭС, сув омборлари, каналлар) ни лойиҳалашда зарур бўлган малумотларни аниқлашда жуда қўл келади.

Юқоридагилардан ташқари, назарий таҳлил усули ҳам мавжуд бўлиб, бу усул кузатиш малумотларидан ва бошқа ахборот манбаларидан хulosалар чиқаришга асослангандир. Ҳозирги вақтда илмий тадқиқот ишларида математик моделлаштириш усулидан кенг фойдаланилмоқда.

Синов саволлари:

1. Гидрометеорология фани нимани ўрганади ?
2. Гидрология фани қайси қисмларга бўлинади ?
3. Тадқиқот усулларини айтиб беринг.
4. Гидрология фани қайси фанлар билан алоқадор ?
5. "Гидрология" атамаси биринчи марта қачон ва қаерда ишлатилган ?

МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИНГ МАВЖУД ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Уишибу мавзуда талабалар сув ва ҳаво ҳақидаги илмнинг шакланиши ва қадимги замондан бошлиб ҳозирги вақтга қадар бўлган кузатишлар, тадқиқотлар, изланишилар тарихи билан таништирилади.

Режа:

1. Гидрометеорология хизматининг шакланиши ва ривожланиши тарихи;
2. Гидрометеорология хизматининг мақсади ва вазифалари.
3. Гидрометеорология хизматининг мавжуд тизими ва унинг таркибий тузилиши.

Таниқли олим О.А.Спенглернинг ёзишича гидрология ҳақидаги ilk фикрлар бундан 6000 йил аввал қадимги Мисрда пайдо бўлган. Ўша пайтдаёқ мисрликлар гидрологик кузатишларни амалга оширганлар. Улар ҳозирги Асвон тўғонидан 400 км юқорида-тоғ қиялигига сув сатҳининг ўзгаришларини белгилаганлар. Нил дарёсида бўладиган ҳар йилги тошқинни қайси вақтда кузатилганлигини қайд қилиб боргандар. Кейинроқ эса қуий Нилда 30 га яқин "гидрологик" кузатиш жойлари (постлар) ташкил етилган. Ана шулардан бири Қоҳира яқинида сақланиб қолган бўлиб, у юксак дид билан ишланган ажойиб архитектура ёдгорлиги ҳисобланади.

Қадимий мисрликларни юқоридаги ишларни бажаришга ҳаёт талаби мажбур қилган, чунки ҳосил тақдири дарёдаги сувнинг оз ёки кўплигига боғлиқ бўлган. Демак, гидрология ўша даврдаёқ инсон эктиёжини қондиришга хизмат қиласиган ҳаётий фан бўлган.

Шуни ҳам такидлаш лозимки, гидрология қадимги Мисрдаги кузатишлардан бошланиб, токи алоҳида фан сифатида шаклланишига қадар бир неча минг йиллар ўтиб кетди. Гидрологиянинг ривожланиши тарихида XVII аср охирида франсуз олими П.Перро ва ундан сўнг Э.Мариотт қилган ишлар катта аҳамиятга эга бўлди. Улар Сена дарёси ҳавzasига ёққан атмосфера ёғинлари миқдори ва дарёдаги сув миқдорини ўлчайдилар. Бу билан улар сув мувозанатининг асосий ташкил етувчилари орасидаги муносабатни аниқладилар ва "дарёлар ер ости сувларидан ёки қандайдир манбалардан ҳосил бўлади", дэган чалкаш фикрларга зарба бердилар.

Ана шу даврда инглиз астроном олими Э.Галлей тажриба асосида сув юзасидан бўладиган буғланиш миқдорини (Ўрта денгизда) аниқлади. Бу билан у Ер куррасида сувнинг айланиш схемасини тузишга якун ясади.

Ҳалқаро ташкилот ЮНЭСКО таклифи билан 1974 йилда илмий гидрологиянинг 300 йиллиги нишонланди. Бу сананинг бошланиши сифатида П.Перронинг "Сув манбалрининг келиб чиқиши ҳақида" дэган китоби босилиб чиқкан 1674 йил қабул қилинган.

Биринчи марта "гидрология" атамаси XVII аср охирида, аникрофи 1694 йилда немис олими Э.Милхиорнинг "Уч қисмдан иборат гидрология" китобида ишлатилди. Рус тилидаги адабиётларда эса бу атама XVIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган.

XIX аср охирида гидрология табиий географиянинг бир қисми сифатида ўрганилди. Бу даврда талабалар гидрология асослари билан иқлимшунослик, мелиоратсия каби курслар ёрдамида танишганлар.

XX аср бошларида эса гидрологиянинг йўналиши аниқлаша борди ва бир қанча мамлакатлар - АҚШ, Франсия, Германия ва Россиядаги олий ўқув юртларида гидрологиядан махсус курслар ўқитила бошланди. Россияда биринчи марта гидрология курси 1874 йилда Петербург политехника институтида проф. С.П.Максимов томонидан ўқилди. Умуман, XIX аср охири ва XXаср бошларида гидрология ҳақидаги фикрлар Ю.М.Шокалский, А.И.Воейков, Э.Олдекоп, А.Пенк, В.М.Лелявский каби рус олимларининг асарларида умумлаштирилди.

Собиқ Иттифоқда гидрология фанининг тараққиётига 1920 йилдаги ГОЭЛРО режаси туртки бўлди. Мамлакатни электрлаштиришни кўзда тутган бу режани амалга ошириш учун ҳудуддаги сув обектларида гидрологик постлар ва стансиялар ташкил этилиб, комплекс кузатишлар бошлаб юборилди.

Ўрта Осиёда гидрологиянинг ривожланиш тарихи. Сув ҳаёт билан тенглаштириладиган ўлкамиздаги кўллар, дарёлар, сойлар, булоқлар, ҳаттоки унинг баланд тоғларидағи доимий корликлар ва музликлар тўғрисидаги билимлар, асрлар давомида халқ хотирасида, тарихий-археологик ёдгорликларда, ёзма манбаларда тўпланиб келган. Афсуски, бу масала Ўрта Осиё-Туркистон мисолида В.В.Бартолд, Я.Ғ.Ғуломов каби олимлар асарларини ҳисобга олмаганда, яхши ёритилмаган.

Академик Я.Ғ.Ғуломов малумотларига кўра, юртимизда суғорма деҳқончилик ерамиздан олдинги 6000 йилликда ҳам мавжуд екан. Миллоддан олдинги 4000 йилликнинг иккинчи ярми ва 3000 йилликнинг бошларида дарёлар тўсилиб, кичик каналлар ҳам қурилган. Қадимшунос олима Г.Н.Лиситсинанинг гувоҳлик беришича, мана шундай каналлар Туркманистодаги Тажан дарёсининг қадимий делтасида қазилган бўлиб, уларнинг узунлиги 2,5 ка дан ортиқроқ, кенглиги 3,5-5,0 м., чуқурлиги эса 1,2 м гача бўлган.

Кейинчалик, ерамиздан олдинги 2000 йилликда шу усуlda суғориш Сурхондарё водҳасида, Фарғона водийсининг шарқий қисмида, Амударё делтасида, Зарафшон бўйларида ҳам кўлланила бошлаган. Бу жараён тобора ривожлана бориб, янги еранинг бошларида каналлар нисбатан узайтирилди, улардан кичик-кичик сув тақсимлагич тармоқлар-ариқлар ҳам қазила бошланди.

Янги еранинг 1-2 асрларида, яъни Кушон империяси даврида суғориш ишларига катта аҳамият берилган. Ҳудди шу даврда Жанубий Ўзбекистондаги Занг, Тошкент воҳасидаги Бўзсув ва Салор, Самарқанд воҳасидаги Эски Ангор ва Туютортар, Бухоро вилоятидаги Шоҳруд ва Ромитанруд, Хоразмдаги Қирққиз ва бошқа каналлар қурилган ёки қайта тикланган.

Янги эранинг IV-VI асрларида маълум ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра, суғориш ишлари анча сусайган, ҳатто суғориладиган майдонлар кескин камайган. Лекин VII-VIII асрларда бу соҳада қисман жонланиш кузатилади. Шу даврдан бошлаб, тоғолди ҳудудларида жойлашган қия текисликларни суғориш мақсадида махсус қазилган қудуқлар тизими-коризлардан ҳам фойдаланилган.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётида IX асрдан бошлаш XIII аср бошларигача бўлган оралиқ уйғониш даври бўлди. Шу даврда яшаган буюк алломалар Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Сарахсий, Беруний, Носир Хисрав, Махмуд Қашғарий, Замахшарий, Муҳаммад Нажиб Барон кабилар нафақат математика, геология, география, астрономия, тилшунослик сингари фанлар, балки сув илми ривожига ҳам улкан ҳисса қўшдилар.

X-XI асрларда яшаган олимларнинг сув илмига нақадар катта аҳамият берганлиги ҳакида А.Р.Беруний (973-1048 йиллар) асарлари ҳам далолат беради. Унинг "Ўтган авлодлар ёдгорлиги", "Хиндистон", "Ат-Тафқим", "Қонуни Масудий", "Геодезия", "Минералогия" каби асарларида океанлар, денгизлар, кўллар, дарёлар, булоқлар ҳакида фан учун қимматли фикрлар баён қилинган.

Берунийнинг "Ат-Тафқим" асарида Мұхит денгизи (Атлантика океани), Варанг (Болтиқ) денгизи, Шарқий мұхит (Тинч океани), Улуг денгиз (Хинд океани), Бунтуз (Кора) денгизи, Шом (Үрта) денгизи, Хазар (Касбий) денгизи, Хоразм (Орол) денгизи, Иссиккүл, уларға қуйиладиган дарёлар (Этил-Волга, Нил, Жайхун-Амударё, Яксарт-Сирдарё ва бошқалар) гидрографик нұқтаи-назардан анча тұла тарифланған. Кейинчалик бу ишлар европалик олимлар табири билан "Берунийнинг дengizlар назарияси" номини олган.

Беруний ўша дарвдарәк табиатда сувнинг айланиш жараёнини, ёғиннинг йил ичида ва баландлик минтақалари бўйича ўзгаришини, уларнинг сабабларини тұла тасаввур қилган.

Берунийнинг яна бир замондоши Носир Хисравнинг 1049 йилда ёзиб тугаллаган "Сафарнома" асарида қуйидагиларни ўқыймиз: "Нил дарёси" Миср ёнидан ўтади ва Рум (Үрта) денгизига қуйилади. Нил суви кўпайганда Термиз ёнидаги Жайхун (Амударё) нинг сувидан икки баравар ортиқ кўринади.

Беруний, унинг замондошлари ва нисбатан кейинроқ яшаган олимлар сув илмининг амалий тадбиқига ҳам катта аҳамият берганлар. Жумладан, Берунийнинг "Ўтган авлодлар ёдгорлиги" асарида суний фавворалар, каналларни узунлик бўйича нивелирлаш ускуналари ҳақида ахборот берилган. X асрда яшаган бошқа бир хоразмлик олим Абу Абдуллоҳ Хоразмий "Илмлар калити" асарида Марв воҳасидаги суғориш ишларига ва техникасига алоҳида боб бағишлиланған. Умуман олганда, шу давр олимлари сув иншоотлари қурилишида юксак мұхандислик маҳоратини намоён етганлар. Масалан, араб олими Истархий (X аср) малумотларига кўра, Самарқанд шаҳри IX асрдан бошлаб, тубига қўргошин қуйилган акведук орқали сув билан таминланған. Суғориладиган ерларни сув билан таминланиши яхшилаш мақсадида сув омборлари қурилган. Масалан, X асрда Фориш туманида қурилган Хонбанди сув омбори академик Я.Ғ.Гуломов малумотларига кўра, 1,5 млн. куб.м сувни сиғдира олган.

Юқоридаги каби сув иншоотларининг қурилиш ва улардан амалда усталык билан фойдалана билиш олимларимизнинг ўша дарвдаёк гидростатика ва гидродинамика қонунларидан ҳамда тоғ дарёлари гидрологиясидан хабардор бўлганликларининг ёрқин далилидир.

Ағусуски, юқорида тилга олинган ва умуман шу даврда мавжуд бўлган сув иншоотларининг аксарият қисми XIII асрнинг биринчи чорагида мўғил истелочилари томонидан вайрон қилинган.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан, яни Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида аниқ фанлар-математика, геометрия ва айникса астрономия жадал ривожланғанлиги ҳаммага малум. Шу даврда яшаган олимларнинг кўпчилиги сув илмига ҳам катта етибор берганлар. Масалан, Ҳафизи Абру (1362-1431 йиллар, асли исми Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ал-Ҳавофий) "Зубдат ат-Таворих" (Тарихлар қаймоғи) асарида дастлаб оламнинг умумий баёнини, етти иқлим қисмларини, сўнг океанлар, дengizлар, кўллар ва дарёларни тарифлаган. Асарда ўлкамиздаги деярли барча дарёларнинг гидрографик тарифи анча мукаммал берилган.

Захриддин Мұхаммад Бобур (1483-1530 йиллар) нинг "Бобурнома" асарида ҳам юртимиз гидрологияси-дарёлари, кўлларига тегишли малумотларни кўплаб учратиш мумкин. Унда сув манбалари, дарёларнинг чуқурлиги, музлаши, оқим режими, оқим микдори (неча тегирмон сув оқиши) баён етилган.

Бобурнома замондошлари ҳам ўз асарларида сув ҳавзалари тарифига катта етибор берганлар. Мана шу дадврларда сув илмининг амалий тадбиқи, яни дарёлардан каналларга керакли микдордаги сувни чиқарип бериш асосий муаммолардан ҳисобланған. Уни ҳал етишда олимлар ва мироблар дарёдаги сувнинг оқиши тезлигини ҳисобга олиб, унинг йўлини тўсишда турли усуллардан фойдаланғанлар. Оқиши тезлиги катта бўлган тоғ дарёларидан сув олишда тош, шағал уюмлари билан мустаҳкамланған ёғочқозиқ боғламларидан, дарёларнинг қуи оқимида, яни тезлик нисбатан кичик жойларда эса

қамиш, шох-шабба боғламларидан фойдаланилган. Экин майдонларида ёзги сув тақчиллигига барҳам бериш мақсадида баҳорги тошқин сувларини тўплашга имкон берадиган, ўз даврига нисбатан йирик сув омборлари қурилган.

XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида сув илмига оид малумотлар Мунис Хоразмий (Авазбий ўғли Муҳаммадризо мироб, 1778-1829), Огахий (1809-1872) ва Аҳмад Дониш (1827-1897) асарларида ҳам учрайди.

Ўрта Осиёдаги сув ҳавзаларидаги мунтазам гидрологик кузатишлар 1910 йилдан бошланди. Туркистон ўлкасида дунё амалиётида биринчи марта гидрологик прогноз хизмати таркиб топа бошлади. Бунда Э.М.Олдекон, Л.К.Давидов каби гидролог-олимларнинг хизматлари катта бўлди.

Кейинги йилларда олиб борилган гидрологик тадқиқотлар ҳудудда йирик миқёсдаги сув хўжалиги тадбирларининг ишончли лойиҳаларини тузиш имконини берди. Бунда шу соҳанинг йирик олимлари Р.А.Алимов, В.А.Шулс, А.М.Мухамедов, О.П.Шеглова, А.З.Зоҳидов, Н.Р.Ҳамроев, Ю.М.Денисов, В.А.Духовний, Г.Э.Глазирин, Б.Қ.Қамбаров, И.Р.Алимухамедов, М.А.Носиров, А.Р.Расулов, Р.К.Икромов, Ш.Х.Рахимов, В.Э.Чуб, С.Р.Саидова, Г.Н.Трофимов, З.С.Зирлибоева, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Б.К.Сарёв, А.И.Сергеев ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида тақидлаш жоиздир.

Хозирги кунда ўлкамиздаги барча сув ҳавзалари, музликлар, ҳаво, тупроқ ҳолатини кузатиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази томонидан муваффақиятли амалга оширилмоқда. Уларнинг муҳофазаси масалалари эса Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш Давлат Қўмитаси зиммасига юклатилган,

Юқоридагилардан ташқари, сув илми муаммолари, сув иншоотларини лойихалаш ва қуриш ишлари билан шуғулланадиган бир қанча маҳсус илмий тадқиқот ва лойихалаш институтлари, жумладан, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Сув муаммолари институти, Ўздавсувлийха институти, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (НИГМИ), Ўрта Осиё ирригатсия илмий тадқиқот институти (САНИИРИ) ва бошқа илмий тадқиқот муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Улар учун етук малакали мутахассислар эса Республикализ олий ва ўрта маҳсус билим юртларида тайёрланмоқда.

Синов саволлари:

- Синтез сабактары:**

 1. Ўрта Осиёда сугорма деңгөнчилик қачондан бошлаб ривожланган ?
 2. Ўзбекистоннинг қайси вилоятларида қадимги сугории тармоқлари қурилган?
 3. Ўрта Осиёда уйғониши даврида яшаган буюк алломалар ва уларнинг гидрология фанига қўшиган ҳиссаларини есланг.
 4. Ўзбекистон дарёларида қайси даврдан бошлаб мунтазам гидрологик кузатишлар ўтказилади ?
 5. Кейинги ишларда олиб борилган гидрологик тадқиқотларни тарифлаб беринг.

МАВЗУ, СУВНИНГ ТАБИЙ ВА КИМЁВИЙ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

1. *Nóáièiā òàáèé àà òèìèyâéé õîññàëàðè;*
 2. *Nóáièiā òàáèàòäâàè àà èíñíí ùà, òèääâàè àùàìèyòè;*

Òàáèàòääà õèìèÿèé òîçà ñóâ äåýðëè ó÷ðàìàéäè, óíè ôà=àò ëàáíðàòîðèÿ ñàðîèòëää ùññëë =èëëø íòíëëí. Áóíääé ñóâ ðàíñëç, ѩëäñëç ва ìàçàñëç áýëäëè. Òàáèàòäääè ñóâ òàðëèäëää эса ïàúëói ìè=äjðää ýðëäàí iñäàëäð áýëäëè.

Ñóâ áîäíðíä áéëëáí èèñéïðíäíèíá ýíá íäæéé áéðéëíàñëäáí (Í₂Í) éáíðàò áýëëá, ыçëää ñíñ áéð =àí÷à ñíññäëåðäå ýåàäëð. Áó ñíññäëåð ñóáíèíá óöçëëéø ñóñóñëýðæåðé áéëëáí áìë=ëáíèá, ó ýñä ыç íàáåáòëää ñóó ýíëåñöëåñëíéíá =áíäáé áéðéëéäíèëëäå áíëë=ëéð. Ñóâ ííëåñöëåñëäå ííëéëé åýéé÷à

11,11% айаіділ ақа 88,89% ееңеіділ аяееда, у 2 ақтүй айаіділ ақа 1 ақтүй ееңеіділ аяаі өзінде.

Ñóáâäâæè áâð÷à ïïéåéóëæäð ѹàì áèð ðœë àòðìî ï|èðéèæäà ýâà áýëìæäè. Îðдий ñóâ ïïéåéóëæäðéíéïà àòðìî ï|èðéèæè 18 âà òâíâ áýëñà, áàúçëèäðéíéè 19; 20; 21 âà ѹàòòì 22 âà òâíâ áýëæäè. Áóíâà ñâáâà шуки, àòðìî ï|èðéèæè 16 âà òâíâ áýëäâí êèñëïðïäâàí òàð=àðè àòðìî áèðéèæè 18 ва 19 ёè êèñëïðïä âà àòðìî ï|èðéèæè 1 áýëäâí âïäñðïäâàí òàð=àðè àòðìî áèðéèæè 2 âà 3 ёè âïäñðïä àòðìïëæðè ѹàì áýëæäè. Бëð ðœë ýéåìáðíéïà ï|èð àòðìïëæðè èçïðüëäð ãåéèëäæ.

І́одáêêàá òàæðèáàéàð íàðèæàñèäà, èàáíðàòíðèý øàðíèòèäà, òàðêèáèäà áâïáðïä áâ èèñèíðïä èçïòñïëäðè áÿëäàí ñóâ ýðàòèëäàí, áóíäàé ñóâ *l̄eð n̄oâ* äåéèëàëè. Áó ñóâ íäæèé ñóâääàí òàð=ëè òàáèëé ðóññòñèýøëäà ÿäà áÿëàëè. Ôîçà ѡїëàäè, òàðêèáè $H_2^2O^{16}$ áÿëäàí $\bar{l}\bar{e}\bar{\delta}$ ñóâ +20° C ѡàðíðàòäà 1,1056 çè÷ëëêà(íäàòäàëñè 0,9982), ióçëàø ѡàðíðàòè-3,8° C, =àéíàø ѡàðíðàòè +101,42° C áÿëàëè. Áóíäàé $\bar{l}\bar{e}\bar{\delta}$ ñóâääà áâëè= =èñ=à áâ=ò ѡàï ýøàé íëìàéëè.

Áó\ñèíí ہýðøéìéòäàäè ñôå áñññáí $\hat{I}_2\hat{I}$ èòíäàñëàà ýåà áýéäàí íäæéè ííëåéóëäèäðäàí èáîðàò áýéäàäè. Íäæéé, áíø=à ííëåéóëäèäð áéëäàí áéðéàøìàäàí $\hat{I}_2\hat{I}$ ííëåéóëà **$\hat{a}\hat{e}\hat{a}\hat{d}\hat{i}\hat{e}$** äåå àòàëäàäè. Èééè íäæéè ííëåéóëäèäð áéðéàøäàí áéðéèíà ($\hat{I}_2\hat{I}$)₂- **$\hat{a}\hat{e}\hat{a}\hat{e}\hat{a}\hat{d}\hat{i}\hat{e}$** äåå, ó÷ ííëåéóëäëñè ($\hat{I}_2\hat{I}$)₃ ýñà **$\hat{o}\hat{d}\hat{e}\hat{a}\hat{e}\hat{a}\hat{d}\hat{i}\hat{e}$** äåéèäàäè.

Ñóþ= ўїëàòääàë ñóâ ãëäðîë, äèëàëäðîë àà òðëèëäðîëëàðíëíà àðàëàøìàñèäàí èáîðàò áыëàë.

Ñóâiéä çè÷ëëäè äää, ѩàæì áéðëëäèääè ñóå ìaññàñèäà áéðëëäè. Ñóå +4⁰ С ѩàðîðàöää yíä êàòòà çè÷ëëèä ýää áýëäè, óíáái êàòòà åå êè÷ëë ѩàðîðàöëäðää ýñà çè÷ëë èàïàÿäè.

Ñóâ êyïäéíá ðîññäéâðé áèéàí áíø=à =àðòð= èâ ñóþ= iïäääéâðäáí òâð= =èéàäé. Ó áíäéë, шàðäéâðò÷áí ñóþ=ëéé áýéëá, ыçé =óééëäáí æèñí øàéëéíé ýðééí =ááóë =ëéäåé. Ñóâ =èñéëëò òâúñéðéäå êâòòà =àðòëëéé êýðñâðéà, þ=ïðé áíñéíäå =ëääá, ыç шàæíéíé åÿðëëé êäí ыçâåðòëðäé.

Òàáèéé ñóâ, óíàá áîø=à ýðøòìàëåð êàì áýëñà, þí=à =àðëèìëåðää ðáíñèç òóñää, =àëèí =àðëèìëåðää ýñà ѩàâïðàíä-êýîê ðóñää áýëàäé. Òíçà ñóâ ýëåêòð ðíèéíé äåýðëè ыòéàçìáéäé.

Hîðiàë àòiññôåðà áíñèìëää dèñòëëéäiññ áñðâièiä ióçëäø uðâðiðåðè 0^0 Ñ, =àéíàø ūðâðiðåòë ýñà +100 0 Ñ äää =àáóë =ëëéíññ. Ñóáíèíä ióçëäø åà =àéíàø ūðâðiðåòë óíèíä óÿðëëæäå åà àòiññôåðà áíñèìëää áññëë= =. Ñóáíèíä óÿðëëæä iððøëøè áèëäi óíèíä ióçëäø ūðâðiðåòë iññàééä, =àéíàø ūðâðiðåòë ýñà iððøàëë.

Ñóáíéíä ñíëèøðèðìà èññè=ëèë ñè|ëìè äääá, 1 äðàìì iäññàëè ñóáíè 1 äðàäöñ èñèðèø ó÷óí òäëäà =èëèìàäëäàí èññè=ëèë iè=äïðèäà àéòëëäè. Ñóáíéíä ñíëèøðèðìà èññè=ëèë ñè|ëìè 1,0 èäë/ä·äðàä ää òäíä áÿëëäà, äïø=à ñòþ= iïäëäëäð àä =àòòë= æèñìëäðíèëëäí þ=ïðëäëð. Íàññàëäí, ióçíéíä ñíëèøðèðìà èññè=ëèë ñè|ëìè ыðòà÷à 0,505 êäë/ä·äðàä, щаâñíèëë- 0,237 êäë/ä·äðàä ää òóïð=íèëë- 0,40 êäë/ä·äðàä ää òäíä. Ñóáíéíä щаâñðäðè ыçäääðèø èäëäí õíéíä ñíëèøðèðìà èññè=ëèë ñè|ëìè êäí ыçäääðäë.

Ñóáíéíá ýðòøè ýððøðöâ=ëëèëë ðóñóñëýòè ñááááéë óíéíá òàðéëéæä äíèíí ýðèááí ííäááéäð áyéäæë. Ýðèááí ííäááéäð êíïöåíòðàöèýñè íã/ë ëàðää èõíäáéäíáéë. Ñóááá ýðéëáí íááíéë áà êáëüöëë áéðééíäéäðéíá áyéëëëë õíéíá =àòòë=ëëèëëëë òáúùéëéæäë. +àòòë=ëëèëëëë ãðàáóñëäðääë ыë÷-áíáéë: 1 ё ñóááá 10 íã êáëüöëë íéñëäë áà 14 íã íááíéë íéñëäë áyéñà, ó 1 ãðäáóñ =àòòë=ëëèëëë òáíá áyéäæë. 8 ãðàáóñëäí êàí =àòòë=ëëèëëë ýäà áyéäáí ñóá þìøî=, 8 ãðàáóñëäí 16 ãðàáóñëä-à ыðòðà-à =àòòë= áà 16 ãðàáóñëäí êàòòà áyéñà, =àòòë= ñóá бывали. +àòòë=ëëèëëë 12 ãðàáóñëäí êàí áyéäáí ñóáëëð ý-ëëë õ-óí ýðî=ëëèëëð.

Îäàòääà, ñóâäääè äîäïðä èííëäðè êíïöåíòðäöëýñè ìáíòéé áåëäëëè ыíëè ëïäàðèòì äàðàæä êýöñàðëè-÷ è áéëäí àà êíïöåíòðäöëý ìè=äïðè pH áåëäè áéëäí èöñääëàíäè. Øóíäàé =ëëéà, íåéòðàë ðåàëöëýë ñóâääà pH=7 áýëäà. Äääð pH<7 áýëñà, ðåàëöëý èëñëíòäëè (à÷÷=), pH>7 áýëñà, èø=ïðëè (íïðäii) áýëäà. Ôàáèàòäääè ñóâëäðäà pHнинг =иймати 6,5 ääí 8,5 äà÷à ïðäëè=äà быдади.

Óàáèéé ñóâëàðääè àññéé èüëàðää =óéëääëëàð êèðéá, óëàðíèíã 4 òàñè ióñáàò

çàðÿëàíàí (êàòèíëàð), 4 òàñè ìàíôèé çàðÿëàíàí (àíèíëàð) äèð:

aíèîíëàð:

ðeɪð eɪjɛ Cl'

ñóëüôàò èííè SO₄"

æèäðîéàðáíàò èüíè HCO₃'

éàðáîàò èîíè CO₃"

êàòèîíëàð:

iàoòđèé èjjé Na'

éàëüöèé èïïè Ca"

iàâiéé èïíè Mg''

êàëèé èïié È'

+óðó=ëèê ñóâëåðíiéíà ðèìèýâéé òàðêèáé Áóí, íêåàìè ñóâèäáí êåñèéí óàð= =ëëäæ. Áó óàð= =óðó=ëèê ñóâëåðèäà êàðáíàòëåðíiéíà, íêåàíëàð âà ääíáèçëåð ñóâèäðèäà ýñà ðëîðèäëåðíiéíà êýïèëäæà ыç àèñèéè òïíäàí.

Ñóâíèíã òàáèàòääàãè âà èíññí ѩà, òèäàãè àЩàìèýòè

Ñóáíèíá Áðäääéé щà, ò ó÷óí àЩàíèýòé áå=é, ñääéð. Ыçéíéíá óçëóéñëç щàðàéàòé óóðåééë
ñóå Áð éóððàñëäé äóçàòèëäæäí áàð=à òàáèéé æàðà, íéàðää èøòèðîé ýòäé. Äêàäåíèé
Á.È. Áåðíàäññééíá òàúáèðé áèëáí áèòåäíäå ñóáíèíá áåññåðåòéë =íáè=äåñé èøèíé iè=äïð æèщàòäí
+ó, ø ðàëèàöèýñè áèëáí òà==íñëàñà áыëäé, ñèòàò æèщàòäí ýñà óíèíá ыðíèíé щå÷ íàðñà áîñà
íëìàéäé.

Èíñíí =ààèì çàííèàðääí áíøëäá ñöåääí ööđíóø ýùçðòè, æëäðèíè =íäèðèøäà ýíä ñïäää öñöéëäðíè =ыëëäá öîéäëäìèá êäëääí áыëñà, шïçëðä èóíäà êäëëä ñöå ìäõñöñ èíøñò áà =öðëëìàëäð, ðäàëëäà öëíèòëëëä, ðäåëëé, èè ñöíúéë ðäåëëäà öïçäëäíèá, êåðäè áыëääí шïëëäðäà çäðäñèçëäíöëðëëëä èøëäðëëíí=äà.

Ñóâ щâàçàëàðéíèíá ýíá àðçúï ðòðàíñïðò âññèòàñè ýéàíëëæ щàì щàììåàà ìàúëóì. Ñóâ ðòðàíñïðòðéíèíá ðàë= ðыæàëëæèíè ðéâîæëàíòðèðøäàæ è åçàìèþò èå=è, ñäèð. Øó ìà=ñàäää àóí, ääæè èýï àäð, èäð èâàíåëëàð îð=àëè áéð-áéðè áéèçàí áâ àáíäèçëàð áéëèáí ðóðàøðéëääí.

Ààð, èàð æóäà êàðòðà ýíåððàèý ìáíáàèëèð. Øó ñääáàéè êyïäèíà ààð, èàðäà ýíä àðçii ýëåéèð ýíåððàèýñè áåðóâ÷è ÄÝÑ èàð =óðèëääí âà =óðèëëí=äà.

Синов саволлари:

1. Гидрол, гидрол ва тригидролларнинг фарқи нимада?
 2. Табиий сувларда водород кўрсаткичи қандай қийматларда ўзгаради?
 3. Табиий сувлар таркибидаги асосий ионларни эсланг.
 4. Куруқликдаги сувлар Дунё океани сувидан қайси анионларининг кўплиги билан фарқ қиласди?

МАВЗУ. ТАБИАТДА СУВНИНГ АЙЛАНИШИ

Мавзунинг мақсади талабаларни табиатда модда ва енергиянинг сақланши қонунини акс еттирувчи Ер шарида сувнинг айланиши турлари ва сув мувозанати тенгламалари билан таништиришига қаратилган. Шунингдек, мавзуда Ер куррасининг алоҳида қисмлари учун сув мувозанати тенгламаларини тузиш усуллари ёритилган.

Режа:

1. Ep uapuða =óðó=ëèê ãà ñóáíèíã òà=ñéìëàíèøè;
 2. Òàáèòäà ñóáíèíã áéëäíèøè;

3. Ад шарийеїа һоа баланси

Ер сиртинг океанлар ва денгизлар сувлари билан қопланган юзаси умумий ном билан Дунё океани деб аталади. У сайёрамизнинг сув қобиги бўлган гидросферанинг ажралмас ва асосий қисмидир. Гидросфера дунё окенидан ташқари, юқорида айтилганидек, қуруқлиқдаги сувлар-дарёлар, кўллар ва музликлардан, атмосферадаги сув буғларидан, тупроқдаги намлиқдан, шунингдек, ер ости сувларидан ташкил топган.

Дунё океани Ер курраси умумий майдонинг (510 млн. кв. км) нинг 361 млн. кв. км ёки 71 фоизини эгаллаган, қуруқлик юзаси эса 149 млн. кв. км. ёки унинг 29 фоизини ташкил етади.

Ер куррасида қуруқлик ва сув юзалари нотекис тақсимланган, қуруқликнинг катта қисми шимолий ярим шарда бўлиб, унинг юзаси 39 фоизни ташкил етади, жанубий ярим шарда эса қуруқлик 19 фоизни эгаллаган. Бундай тақсимланиш атмосферанинг умумий тисиркулясиясига ва сувнинг табиатда айланишига катта тасир кўрсатади.

Гидросферанинг турли қисмларида сув миқдорининг тақсимланиши тўғрисидаги малумотлардан кўриниб турибдики, Ер куррасидаги сувнинг умумий ҳажми 1386 млн. км³ дан ортиқ. Бундан 1338 млн. км³ дунё океанида, 234 млн. км³ ер пўстида, 26 млн. км³ музликларда, 176 млн. км³ кўлларда, 2,1 минг км³ эса дарёлардадир. Ердаги сувнинг умумий ҳажми тахминан баҳоланган, чунки ер ости сувларининг миқдори ҳали унчалик яхши хисобланмаган.

Ер куррасидаги чучук сувларнинг заҳираси 35 млн км³ деб баҳоланади (Ердаги умумий сув ҳажмининг 2,3 фоизи) унинг 68 фоиздан кўпроғи Антарктида ва Гренландия музликларида ва 30 фоизи ер ости сувларидан иборатдир. Ҳозирги пайтда фойдаланиш мумкин бўлган чучук сувлар миқдори Ердаги умумий сув ҳажмининг тахминан 0,3 фоизини ташкил етади.

Ер куррасида ва материклар ичида намликтинг айланиши. Куёш нурлари тасирида Дунё океани юзасидан, дарёлар, кўллар, ботқоқликлар, музликлар, ўсимликлар ва Ер сиртинг бошқа қисмларида ҳар йили 510 минг км³ (1130 мм) сув буғга айланади. Сув буғлари гравитатсия кучлари тасирида юқорига кўтарилади ва конденсатсия жараёнида тўйиниб, оғирлик кучлари тасирида ёғин сифатида яна Ер сиртига тушади.

Атмосферадаги намликтинг асосий манбай-океанлар ва денгизлар юзасидан бўладиган буғланишдир. У Ер юзасидан бўладиган умумий буғланишнинг 86,6 фоизини ташкил етади. Шу миқдорнинг кўп қисми бевосита яна океанлар ва денгизлар юзасига атмосфера ёғини кўринишида қайтиб тушади. Бу кичик сув айланиши деб аталади.

Океан юзасидан бўлган буғланиш, конденсатсия ва океангага тушадиган ёғиндан иборат кичик айланишдан ташқари, сувнинг яна икки хил айланиши-алоҳида олинган материк доирасидаги ва катта, яни бутун Ер курраси миқёсидаги айланма ҳаракати фарқ қиласиди.

Сувнинг материк доирасидаги айланиши унга четдан намлик келиши, ёғин-сочинлар, атмосфера оқими, яни намликтинг чекка ҳудудлардан материк ичкарисига олиб борилиши, буғланиш ва дарё оқимидан ташкил топади.

Сувнинг катта айланиши ҳам материкдаги, ҳам океанлардаги сувнинг барча турдаги ҳаракатини ўз ичига олади. Қуруқлиқдан дарё оқими кўринишида океанларга ёки улар билан туташ бўлган денгизларга тушган сув катта сув айланиш жараёнини тугаллайди. Шундай қилиб, Дунё океани, атмосфера ва қуруқлик сувлари ягона тизим сифатида ўзаро боғлангандир.

Ер юзасидаги қуруқлик Дунё океанига нисбатан жойлашишига қараб 2 қисмга бўлинади:

1. Периферия области;
2. Берк област.

Ер юзасининг Дунё океанига нисбатан қия бўлган, яни суви бевосита океангага келиб тушадиган қисми океангага туташ ёки периферия (чекка областлар) деб аталади.

Берк худудлар, яни шу худудда ҳосил бўлган сув бевосита океанга келиб тушмайдиган жойлар океанга нисбатан ички оқим областлари ёки берк, оқимсиз областлар деб аталади.

Ер шаридаги қуруқликнинг умумий мвайдони 149 млн.км^2 бўлса, шунинг 117 млн.км^2 қисми периферия областларига тўғри келади. Энг катта ички берк, оқимсиз ҳавзаларга Орол-Каспий ҳавзаси, оқимсиз областларга Арабистон ярим ороли, Сахрои кабир ва Марказий Австралия худудлари киради.

Ер шарининг сув мувозанати. Гидросферадаги умумий сув заҳираси $1,386 \text{ млрд.км}^3$ дир, лекин ҳар йили кузатиладиган сув айланиш жараёнида бу сувнинг нисбатан кам қисми 518600 км^3 ёки умумий сув ҳажмининг $0,037$ фоизи иштирок етади. Гидросферадаги сув заҳирасини ва сув айланиш жараёнида иштирок етаётган сув миқдорини йилдан-йилга ўзгармас, доимий деб қараш мумкин. Бунинг исботи сифатида Дунё океани сув сатҳининг йилдан йилга ўзгармас, бир хил туришини такидлашнинг ўзи етарлидир. Шу сабабли Ер шаридаги намликтарни айланиш жараёнида иштирок етаётган кирим (ёғин) ва чиқим (оқим ва буғланиш) қисмлари ўртасида мувозанат мавжуд, деб қараш мумкин. Мувозанат (баланс) борлигини Ер шари ва унинг айрим қисмлари учун куйида келтирилган оддий кўринишдаги тенгламалар орқали кўрсатиш мумкин. Бунинг учун куйидаги белгилашларни киритамиз:

E_o -океан юзасидан бўладиган буғланиш;
 E_k -куруқликдаги периферия областлари юзасидан бўладиган буғланиш;
 E_b -берк областлардан бўладиган буғланиш;
 $E_{ep..sh}$ -Ер шари юзасидан умумий буғланиш;
 X_o -океан юзасига ёқсан умумий ёғин миқдори;
 Y_k -куруқлик юзасида ҳосил бўлган йиллик оқим миқдори.
 Шундан келиб чиқиб, куйидаги тенгламаларни ёзиш мумкин:

1. Кичик сув айланиш учун (океан чэгарасида):

$$E_o = X_o - Y_k .$$

2. Катта сув айланиши (периферия области) учун:

$$E_k = Y_k - X_k .$$

3. Берк областлар учун:

$$E_b = X_b .$$

4. Ер шари учун сув баланси тенгламаси:

$$E_o + E_k + E_b = X_o + X_k + X_b$$

ёки

$$E_{ep..sh} = X_{ep..sh} .$$

Оҳирги ифодадан кўриниб турибдики, сайёрамиз юзасидан бўладиган буғланиш миқдори унинг юзасига тушадиган ёғин миқдорига тенгдир.

Синов саволлари:

1. Атмосферадаги намликтарни асосий манбаларини айтиб беринг.
2. Катта ва кичик сув айланишларида Ер куррасининг қайси қисмлари иштирок етади?
3. Ер шаридаги намлик айланишининг қандай турлари мавжуд?
4. Ер куррасининг сув мувозанати елементларининг кирим ва чиқим қисмларини кўрсатинг.

5. Ер шарининг сув мувозанати тенгламасини тузинг.

МАВЗУ. ДАРЁЛАР. ДАРЁЛАРНИНГ ШАКЛ ВА ЎЛЧАМ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ушбу мавзуда талабалар дарё, дарё тармоқлари, бош дарё, унинг ирмоқлари, дарё системаси, гидрографик тўр, дарё ҳивзасининг майдони тушунчалари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари билан танишитирилади.

Режа:

1. *Дàð, ñèñðåâìàñè, ðeäðîâðàðèé ôыіð;*
2. *Äàð, áîøè, þ=iðè, ыððà âà =óéè î=eïè, =óéèëèøè;*
3. *Nóââéèð|è÷ëàð, äàð, ўââçâñè âà ñóâ ôыїëðø iâéäíè;*
4. *Äàð, ëàðíèíâ ñðâéé âà ыë÷âì èýðñâðè÷ëàðè:*

Ер сиртига ёқкан ёғинлар (ёмғир, қор) дан ҳосил бўлган сувлар бирданига дарё ўзанига қуйилмайди. Улар дастлаб ёнбағирларда юза оқимлар, жилғалар кўринишида ҳаракатланади. Жилғалар бирга қўшилиб, вақтинчали ёки доимий оқиб турувчи сойлар, кичик дарёларни ҳосил қиласди. Ўз навбатида сойлар, кичик дарёларнинг қўшилишидан доимий сув оқадиган дарёларни ҳосил қалид. Дарёларга ер ости сувларининг қўшилиши уларнинг сувлилигини янада орттиради.

Юқоридагилардан хулоса қилиб дарёларга қуидагича тасир бериш мумкин: дарё деб, ҳавзага ёқкан ёғинлардан ҳосил бўлган ер усти ва ер ости сувлари ҳисобига тўйиниб, табиий ўзанда оқувчи сув массаларига айтилади.

Дарё системаси. Дарёлар суви океанлар, денгизлар ёки кўлларга келиб қуйилади. Айрим ҳолларда эса турли сабабларга кўра дарё суви камайиб кетиши натижасида, уларга етиб бормаслиги мумкин. Ўз суни океанларга, денгизларга ва кўлларга қуядиган дарёлар бош дарё дейилади. Бош дарёлар қандай сув ҳавзасига қуилишига кўра икки гурухга бўлинади.

1. Океан дарёлари-бундай дарёдан океан ёки океан билан туташ бўлган денгизларга қуйилади. Масалан, Амазонка, Амур, Дон, Дунай, Лена, Енисей, Нил ва ҳокозо.

2. Континент дарёлари-берк ҳавзалардаги денгих ёки кўлларга қуиладиган дарёлар. Масалан, Амударё, Сирдарё, Волга Урал ва бошқалар.

Бош дарёга қуиладиган дарёлар унинг ирмоқлари дейилади. Ирмоқлар бош дарёга қуилиши ҳолатига қараб тартибларга бўлинади. Бош дарёга бевосита қуиладиган дарёлар биринчи тартибли ирмоқлар, биринчи тартибли ирмоқларга қуиладигани эса иккинчи тартибли ирмоқлар дейилади ва ҳоказо. Америкалик олим Д.Хортон дарё ирмоқларини таснифлашнинг бошқача тизимини таклиф қилган. Унинг таснифи бўйича биринчи тартибли ирмоқ сифатида бошланғич жилға қабул қилинади. Ана шу бошланғич жилға қуиладиган сой иккинчи тартибли ирмоқ деб юритилади. Демак, мазкур таснифда бош дарё энг охирги тартибга эга бўлади.

Бош дарё ва унинг ирмоқлари биргалиқда қушилиб, дарё системасини ташкил этади.

Дарё кўпчилик ҳолларда кўллардан, булоқлардан, ботқоқликлардан, музликлардан, доимий қорликлардан бошланади. Малум бир ҳудуддаги дарёлар, уларнинг ирмоқлари, кўллари, ботқоқликлар, музликлар, доимий қорликлар шу ҳудуднинг гидрографик тўрини ҳосил қиласди. Демак, дарё системаси гидрографик тўрнинг бир қисмидир.

Ўзан аниқ кўринишга эга бўлган ва доимий сув оқими кузатила бошланадиган жой дарё боши деб юритилади. Агар дарё ёки сойнинг қўшилишидан ҳосил бўлса, дарё боши сифатида улар қўшилган жой қабул қилинади. Дарёнинг узунлиги эса катта ирмоқ билан қўшиб ҳисобланади.

Ҳар қандай дарёning унинг узунлиги бўйича, бир-биридан фарқ қиласиган умумий белгиларига қараб, қуидаги уч қисмга-юқори, ўрта ва қуий қисмларга бўлиш мумкин.

Дарёning юқори оқими учун нисбатан катта нишабликлар хос бўлиб, шу туфайли анча катта тезликлар кузатилади. Бу эса ўз навбатида ўзанда эрозия жараёнининг жадал боришига сабаб бўлади.

Дарёning юқори оқимида унинг нишаблиги ва сувнинг оқиш тезлиги камаяди. Энг муҳими, дарёning сувлилиги ортади.

Дарёning қуий оқимида нишаблик ва сувнинг оқиш тезлиги янада камаяди. Бу қисмда тезлик камайиши натижасида оқизиқлар чўка бошлайди.

Ўрта Осиёнинг ҳудудида сув объектлари, шу жумладан дарё тармоқлари ғоят нотекис тақсимланган. Ўрта Осиё ҳудудининг 70 % ни эгаллаб ётган бепаён текисликларда оқар сувлар онда-сонда учрайди холос. Тоғлардан текисликларга оқиб тушадиган дарёларга эса то қўйилиш жойларига қадар бирорта ҳам ирмоқ келиб қуийлмайди. Аксинча улар текисликларга келиши билан экинларни сугоришга сарф бўлади, буғланади ва ер остига сизиб кетади. Шу сабабли Ўрта Осиёдаги дарёларнинг кўпчилиги маълум бир жойга қуийлмасдан тугаб қолади.

Ўрта Осиё ҳудуда кўллар ва ботқокликлар ҳам ғоят нотекис тақсимланган. Кўлларнинг кўпроғи текисликларда, асосан йирик дарёлар водийси ва дельталарида жойлашган. Тоғли қисмида кўллар асосан тоғ тизимларининг юқори қисмиларида, 2000-3000 метр баландлиқда, айниқса 3000 м дан юқоридаги зоналарда энг кўп учрайди, 1000-2000 метр баландлиқдаги қуий зоналарда эса кўллар кам учрайди.

Ниҳоят, Ўрта Осиё тоғларидағи музликлар ҳам нотекис тақсимланган. Музликлар Тяншанда – Хонтангри массиви, Ғалаба чўққиси атрофида ао Помирда Фанлар академияси чўққиси яқинида энг кўп учрайди.

Ўрта Осиё ҳам тузулиши, ҳам рельефи жиҳатидан бир бирига тенг бўлмаган икки қисмга: каттароқ- ва кичикроқ – жануби-шарқий қисмларга бўлинади. Улар орасидаги чегара асосан 700 метрли изогипс бўйича ўтади. Шимоли-ғарбий қисми асосан текисликлардан иборат. Унинг баландлиги кўпинча 300 м дан ошмайди. Жануби-шарқий қисми, аксинча, тоғлардан иборат: бу ерда бутун бир тоғ системалари, баланд ва қудратли тоғ тизимлари жойлашгандир. Бу тоғ тизимларининг кўпчилиги ўртача баландлиги 5000 – 5500 м гача бўлган дунёдаги энг бубк тоғлардан ҳисобланади.

Гидрологик нұқтai назаридан қараганда Ўрта Осиё текисликларининг хусусияти ёғиннинг ғоят даражада оз ёғишига ва йил давомида бир текисда тушмаслигидадир: текисликлар ҳудудига ўртача ҳисобда йилига 173 мм миқдорида ёғин ёққани ҳолда, унинг 20 % қисмiga 100 mm дан, қолган қисмiga эса 300 mm дан кам ёғин ёғади. Ёғиннинг км ёғиши ва совуқ кунларнинг илиқ кунлар билан алмашиб туриши натижасида Ўрта Осиё текисликларида қор узоқ ётмайди.

Ўрта Осиёнинг тоғларидан иборат жануби-шарқий қисми иқлимга, юқорида айтиб ўтилгандек, рельеф, биринчи навбатда, абсолют баландлик жуда зўр таъсир қўрсатади: абсолют баландликнинг ортиб юориши билан тобора кўпроқ ёғин ёғади, ҳаво совуқроқ келади, натижада қалин қор қоплами ҳосил бўлади ва кўпроқ туради. Ўрта Осиё тоғларининг турли жойига турли миқдорда йилига 60 mm дан 2500 mm гача ёғин ёғади, бу эса текисликлардагиги нисбатан 3,5 марта кўп демакдир.

Ўрта Осиёнинг тоғли қисми билан текисликлар қисмининг гидрологик хусусиятлари бир-бiriғa қарама-қаршидир. Буни сув мувозанати тенгламаси ёрдамида айниқса яққол кўриш мумкин.

Тоғли қисмининг сув мувозанат тенгламасини қўйидагича ифодаласа бўлади:

$$X=Z+Y+W$$

бу ерда: X – ёғинларнинг ўртача кўп йиллик миқдори, Z - ўртача кўп йиллик буғланиш миқдори, Y – тоғлардан текисликларга оқиб кетган оқар сувнинг ўртача кўп йиллик миқдори, W – ер ости орқали оқиб кетган оқим миқдори.

Текисликлар учун сув мувозанати тенгламасини қўйидагича тузиш мумкин:

$$X+Y = Z$$

бу ерда: X – текисликларга ёғадиган ўртача кўп йиллик ёғин миқдори, Y – тоғлардан келган оқар сувнинг ўртача кўп йиллик миқдори, Z – текисликлар юзасида буғланадиган намликтининг ўртача кўп йиллик миқдори.

В.Л. Щулъц Ўрта Осиё ҳудудини уч оқим областига бўлган: 1. Оқим ҳосил бўлиш области, бу обласст тоғларга тўғри келади; 2. Оқим тарқалиш области, бу обласст

текисликлар худудининг тоғлардан келган сувларни қайтадан атмосферага буғлатиб юборадиган қисмига түғри келади; 3. Оқимнинг мувозанатлик области, яъни дарё ва сойлардан маҳрум бўлган области.

Оқимнинг ҳосил бўлиш обlastida ёғиннинг миқдори буғланиш миқдоридан катта ($X > Z$), оқимнинг тарқалиш обlastida, аксинча ёғин миқдорига нисбатан буғланиш кўпроқ ($X < Z$), оқимнинг мувозанатлик обlastida эса ёғин билан буғланиш тахминан бир бирига ($X = Z$) тенг бўлади.

Синов саволлари:

1. Ўрта Осиё худуди бўйича гидрографик тармоқларнинг нотекис тақсимланганлиги сабаби нимадан иборат?
2. Ўрта Осиё текислик қисмининг гидрологик хусусиятлари нимадан иборат?
3. Ўрта Осиё тозли қисмининг гидрологик хусусиятлари нимадан иборат?
4. Текислик ва тозли қисмларнинг сув мувозанати тенгламалари қандай фарқланади?
5. В.Л.Шульц Ўрта Осиё худудини қандай оқим ҳавзаларига тақсимлайди?

МАВЗУ. КАСПИЙ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИ ВА ТУРКМАНИСТОННИНГ БЕРК ҲАВЗАЛАРИ

Режа: 1. Артек дарёсининг гидрографияси.

2. Урал ва Эмба дарёларининг гидрографияси.
3. Артек ва Урал дарёларининг тўйинши манбалари
4. Мурғоб дарёсининг сув режимини.
5. Тажсанг дарёсининг гидрографияси ва сув режимини.
6. Копетдоғ тизмасининг шимоли-шарқий ён бағридан дарё, сой, жилгалар.

Каспий денгизи ҳавзасига – Артек, Эмба, Урал дарё ҳавзалари киради. Бу дарёлар ўз сувини Копетдоғ, жанубий Урал, Мугожар тоғ тизмаларидан олади.

Артек дарёси Копетдоғ тоғ тизмаларидан бошланади ва кенг Каспий бўйи паст текислигига чиқади ва сувнинг ҳаммаси суғоришга сарф бўлади, унинг ўртача кўп йиллик сув сарфи Кизил Артек шахри яқинида $9,22 \text{ м}^3/\text{с}$. Артек дарёсининг узунлиги 635 км, сув йиғилиш майдони 26720 км^2 . Бу дарё қор ёмғир сувларидан тўйинганлигидан йиллик оқимнинг 55 % март-июн, 9,8% июл-сентябр, қолган 35,2 % октябр-феврал ойларида оқиб ўтади. Сувнинг ўртача кўп йиллик лойқалиги $22 \text{ кг}/\text{м}^3$. Ўртача оқим модули $0,35 \text{ л}/\text{сек.км}^2$ га тенг.

Артек дарёсининг энг йирик ирмоғи – Сумбар ўнг томондан қуйилади. Сумбар ҳавзаси майдони 8517 км^2 бўлиб, унинг режими Артек режимига ўхшайди. Дарё ҳавзасига йилига ўртача ҳисобда 325 мм ёғин ёғади. Сумбар дарёсининг ўртача оқим модули $0,3 \text{ л}/\text{сек.км}^2$ дан ортиқ эмас. Бу Артек дарёсининг оқим модулидан икки марта камдир. Сумбар дарёсиниг тўлин сув даври эрта баҳорда бўлади. Дарёнинг қуйилиш жойидаги ўртача сув сарфи тахминан $1,2 - 1,3 \text{ м}^3/\text{с}$.

Эмба дарёси Мугожар тоғларининг ғарбий ён бағридан 350 м баландликдан бошланади. Дарёнинг узунлиги 712 км, сув йиғилиш майдони 40400 км^2 . Бу дарёнинг асосий тўйиниш манбай мавсумий қор қоплами бўлиб ҳисобланади. Йирик ирмоқларидан бири ўнг қирғоқдан тушадиган Темир дарёси ҳисобланади.

Урал дарёси жанубий Урал тоғ тизмасидан бошланиб, ўз сувини Каспий денгизига Гурьев шахри ёнида қуяди. Унинг узунлиги 2530 км, сув йиғилиш майдони $180\,000 \text{ км}^2$. Дарёнинг асосий тўйиниш манбай қор сувлари бўлиб, йиллик оқимнинг 80 % ни ташкил қилади. Унинг ўртача йиллик сув сарфи Кумиши қишлоғи створида $400 \text{ м}^3/\text{сек}$. Энг катта

максимал сув сарфи $13500 \text{ м}^3/\text{сек.}$ га тенг. Ўртача кўп йиллик сувнинг лойқалиги $290 \text{ г}/\text{м}^3$. Йирик ирмоқлари Сакмара, Орь ва Илек дарёлари хисобланади.

Турманистон берк ҳавзалари жуда катта ҳудудни ўз ичига олади, унинг кўп қисми Қорақум чўлидан иборат. Бу берк ҳавзалар таркибига Мунғоб, Тажан ва Копетдоғ тизмасининг шимолий-шарқий ён бағридан оқиб тушадиган сой ва кўпгина булоқ ва жилғалар ҳавзалари киради.

Мурғоб дарёси Афғонистонга қарашли Сафидкўк ва Банди Туркистон тоғ тизмалари оралиғидаги баланд ясси тоғлардан бошланади. Унинг узунлиги 852 км, сув йиғиши майдони 46880 км^2 . Дарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи Тахтабозор шахри ёнида $51,6 \text{ м}^3/\text{сек.}$ Бу дарё қор-ёмғир сувларидан тўйинади, март-июн ойлари давомида 52,1 %, июл-сентябр ойлари давомида 19,5 %, октябр-февралда эса 28,4 % оқим оқиб ўтади. Ирмоқлари Кошон, Кушка, Кайсар дарёларидир. Бу дарёлар Ўрта Осиёдаги энг лойқа дарёлардандир.

Тажан дарёси Эрон ҳудудида Сафедкўх ва Сиёхкўх тоғ тизмаларидан оқиб тушувчи бир нечта кичик сой ва жилғаларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Унинг узунлиги 1124 км, сув йиғилиши майдони 70620 км^2 га тенг. У бошланиш қисмида Сарижангаль, ўрта қисмида Херируд ва Туркманистонга чиққандан кейин Тажан номи билан оқади. Серахс шахридан юқорида Тажан дарёсига бир нечта ирмоқлари келиб қуяди, улар орасидан чап томондан қўйиладиган Табобишилан, Жом ва Кашшофруд дарёлари ажралиб туради.

Тажан дарёсининг ўртача кўп йиллик сув сарфи $32,3 \text{ м}^3/\text{сек.}$ га тенг. Ўртача хисобда йиллик оқимнинг 84,7 % март-июн, 0,6 % июл – сентябр ва 14,7 % октябр – феврал ойларида оқиб ўтади. Максимал сув сарфи $990 \text{ м}^3/\text{сек.}$ ни ташкил этади. Ўртача йиллик лойқалиги $16 \text{ кг}/\text{м}^3$ га тенг.

Копетдоғ тоғ тизмасининг шимоли-шарқий ён бағридан 30 дарё сой, жилға ва булоқлар оқиб тушади. Улар орасида нисбатан йириклари Дурунгёр, Чачачай, Саккизёб, Ашхабобсой, Ферузасой ва бошқалар. Копетдоғ тоғ тизмасидан жами $11,8 \text{ м}^3/\text{сек.}$ сув келади.

Турманистон берк ҳавзаси дарёларининг режими қўйидаги хусусиятларга эга:

- 1) дарёларнинг нисбий сувлилик даражаси жуда паст;
- 2) бутун қиш давомида дарёларнинг эриган қор ва ёмғир сувлари билан тўйиниб туриши қиш даврида сувнинг сероб бўлишига сабаб бўлади;
- 3) бу ердаги дарёларнинг тўйинишида ёмғирларнинг нисбатан муҳим роль уйнаши шунга олиб келадики, сув микдорининг тошқин давридаги ўзгаришлари асосан ҳаво ҳароратининг ўзгаришига эмас, балки ёмғирлар ёғиб туришига боғлиқдир;
- 4) дарёларда сув жуда кам, натижада бу дарёларнинг кўпчилиги қуриб қолади, баъзи бирларининг бошланиш жойлари ўзгариб туради;
- 5) қуий оқимларда дарёларни суви жуда лойқа бўлади, бунга тоғ этакларида осон ва тез емириладиган жинсларнинг кенг тарқалганлиги сабаб бўлади.

Синов саволлари:

1. Артек дарёсининг гидрографик шакилланишини изоҳлаб берии
2. Урал ва Эмба дарёларининг гидрографиясини изоҳлаб беринг
3. Артек ва Урал дарёларининг тўйиниши манбалари қандай фарқ қиласди?
4. Мурғоб дарёсининг сув режимини ёритиб берии
5. Тажсанг дарёсининг гидрографияси ва сув режимини изоҳлаб беринг
6. Копетдоғ тизмасининг шимоли-шарқий ён бағридан қандай дарё, сой, жилғалар оқиб тушади?

МАВЗУ. АМУДАРЁ ҲАВЗАСИ ГИДРОГРАФИЯСИ

Режа: 1. Ҳавзанинг умумий таърифи.

2. Дарёларнинг гидрографик таърифи.

3. Дарёларнинг йирик ирмоқлари.

4. Дарёларнинг тўйиниши ва оқим режими, оқизиқлари.

Амударё ҳавзасидаги дарёлар Ўрта Осиё давлатларининг халқ хўжалигига жуда ҳам катта роль уйнайди. Панж ва Вахш дарёлари, хусусан Амударёнинг ўзи ва унинг кўпчилик ирмоқлари суғориша фойдаланиш учун жуда қулай бўлган режимга эга. Амударё ҳавзасидаги дарёлар энергетика соҳасида ҳам жуда муҳим роль уйнайди.

Амударё ҳавзаси $34^{\circ}30' - 43^{\circ}45'$ шимолий кенглиқ ва $58^{\circ}15' - 75^{\circ}07'$ шарқий узоқлик орасида жойлашган. У шимолдан жанубга қараб 1000 км, ғарбдан шарққа қараб эса 1500 км га чузилган. Ҳавзанинг чегарази (сув айирғичи) факат тоғладагина яққол кўринади, у шимолда Олой, Туркистон ва Нурота тоғ тизмалари, жанубда эса Хиндиқуш ва шарқда Сариқўл тоғ тизмаларидан ўтади. Унинг узунлиги 1140 км, сув йиғилиш майдони 199350 km^2 . Амударёга факат дастлабки 180 км масофада ирмоқлар келиб қутилади, қолган 1260 км масофада эса бирорта ҳам ирмоқ келиб қутилади.

Панж ва Вахш дарёларининг қутилиш жойидан 12 км дан кейин Амударёга чап томондан Қундуздарё, 38 км дан кейин ўнг томондан Кофирниҳон, 137 км дан кейин Сурхондарё, 180 км да Шеробод дарё келиб қутилади. Амударё ҳавзасининг тоғли қисмининг ҳар 1 km^2 майдондан секундига ўрта ҳисобда 11 литр сув оқиб тушади. Ҳосил бўладиган оқимнинг умумий миқдори ўрта ҳисобда $2500 \text{ m}^3/\text{сек}$. ёки йилига 79 km^3 га тенг.

Амударё ҳавзасидаги йирик дарёлардан кўпчилиги, жумладан, Панж, Вахш ва уларнинг ирмоқлари, шунингдек хусусан Амударёнинг ўзи ҳам музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёлар қаторига киради.

Панж дарёси ҳавзаси Ўрта Осиёнинг энг баланд қисмида Помирда жойлашган. Жанубда Хиндиқуш тизмаси билан чегараланган. Бу тизма ҳамма жойда 5000 м дан баланд, унинг кўпчилик чўққилари эса 600 м дан ошади. Панж дарёсининг узунлиги 921 км, сув йиғилиш майдони 113500 km^2 . Дарёнинг бош қисми Вахжир деб аталади, у Вревский музлигидан бошланади. Вахжир қути оқимида Вахондарё деб аталади, ўнг томонидан Зўркўлдан оқиб чиқадиган Помир дарёси қутилгандан кейин у Панж номини олади.

Панж дарёсининг ўртача йиллик сув сарфи Вахш дарёси қутилиш жойига яқин ерда $1000 \text{ m}^3/\text{сек}$. ни ташкил қилади. Март-июн ойларида йиллик оқимнинг 35 %, июл-сентябр даврида эса 45 % га яқин қисми оқиб ўтади. Максимал сув сарфлари айрим йилларда $4000 \text{ m}^3/\text{сек}$. га етади. Ўртача йиллик лойқалиги Чуйбак қишлоғи ёнида $1,5 \text{ kg/m}^3$ ни ташкил қилади.

Вахш дарёсининг сув йиғилиш майдони ҳам Ўрта Осиёнинг энг баланд қисмида – Олой, Орқа Олой, Зарафшон тоғ тизмалалиридадир. Вахш дарёсининг сув йиғилиш майдонида жуда кўп музлик, қорлик ва қор далалари мавжуд.

Вахш дарёсининг узунлиги 524 км, сув йиғилиш майдони 33990 km^2 . Вахш дарёси Қизилсув ва Мўғсув дарёларининг қутилишидан ҳосил бўлади ва ўзининг ягона йирик ирмоғи – Обихингоу дарёси қутилгунга қадар Сурхоб номи билан оқади. Вахшнинг ўртача йиллик сув сарфи $660 \text{ m}^3/\text{сек}$, оқим модули 20 л/сек.км^2 . Максимал сув сарфи Тутковул ёнида $4290 \text{ m}^3/\text{сек}$. ни ташкил этади. Вахш дарёсининг тоғлардан чиқавериш жойида сувнинг лойқалиги $4,16 \text{ kg/m}^3$ га тенг. Март-июн ойларида дарё йиллик оқимининг 35,8 %, июл-сентябр ойларида 48,5 %, октябр-феврал ойларида эса 15,7 % қисми оқиб ўтади. Вахш дарёси ҳам музлик-қор сувлари ҳисобига тўйинадиган дарёлар гурухига киради.

Кофирниҳон дарёсининг суви асосан Хисор тоғ тизмасининг жанубий ён бағрида ҳосил бўлади. Узунлиги 405 км, ҳавзасининг умумий майдони 11590 km^2 . Обибарзанги ирмоғининг қутилиш жойига қадар Обисахид номи билан оқади. Кофирниҳон дарёсининг Хисор водийсига чиқавериш жойижа сув йиғилиш майдони 3040 km^2 , унинг ўртача баландлиги 2753 м. Бу дарёнинг сув йиғилиш майдони 4000 м дан баланд бўлган жойлар атиги 4,7 %, ана шунинг учун Кофирниҳонда тўлин сув даври эртароқ бўлиб ўтади.

Йиллик оқимнинг 59,3 % март-июн, 30,3 % июл-сентябр ва қолган 10,4 % октябр-феврал ойларида оқиб ўтади. Коғирниҳон дарёсининг тоғлардан чиқиши еридаги ўртача кўп йиллик сув сарфи $104 \text{ м}^3/\text{сек. га}$, ўртача оқим модули эса $34,2 \text{ л/сек.км}^2$ га тенг. Максимал сув сарфи $781 \text{ м}^3/\text{сек.}$, минимал сув сарфи эса $12 \text{ м}^3/\text{сек. га}$ тенг.

Сурхондарё ҳавзаси шимолда Ҳисор тоғ тизмаси, ғарб ва жануби-ғарбда унинг тармоғи бўлган Бойсун тоғлари ва шарқда Боботоғ билан чегараланади.

Сурхондарё Тўпаланг ва Қоратоғдарёning қўшилишидан ҳосил бўлади. Тўпаланг дарёning тоғлардан чиқиши еридаги ўртача кўп йиллик сув сарфи $52 \text{ м}^3/\text{с}$, Қоратоғдарёниги эса $23 \text{ м}^3/\text{с}$ дан иборат. Сурхондарёга ўнг томондан иккита йирик ирмоқ – Сангардак ва Хўжаипак дарёлари келиб қуйилади. Хўжаипакдан жанубда асосан сел вақтида сув оқадиган бир қанча сой ва жарликлар бор ҳолос, улардан йириклари Бойсунсой, Оққопчигоҳ ва Тошкўприксойлардир.

Сурхондарё ҳавзасининг тоғли қисми 8230 км^2 майдонга тенг, унда ҳосил бўладиган оқимнинг умумий миқдори ўрта хисобда $120 \text{ м}^3/\text{с га}$, ўртача оқим модули $14,6 \text{ л/с км}^2$ га тенг. Сурхондарёning Мангузар қишлоғи ёнида йиллик оқимнинг $65,2 \%$ и март-июн, $12,8 \%$ июл-сентябр ва қолган 22% октябр-феврал ойларида оқиб ўтади. Максимал сув сарфи $700 \text{ м}^3/\text{с}$, минимал сув сарфи $0,1 \text{ м}^3/\text{с га}$ тенг. Ўртача лойқалиги $2,90 \text{ кг}/\text{м}^3$, оқизикларнинг ўртача кўп йиллик миқдори 193 кг/с ёки йилига $6080 \text{ минг тоннага}$ тенг.

Шерободдарё Амударёning унга сув келтириб қуядиган охирги ирмоғидир. Бу дарё Бойсунтоғ ва унинг давоми бўлган Күхитанг тоғларининг шарқий ён бағрида жойлашган. У Иргойли ва Қизилсой дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Дарёning умумий узунлиги 186 км , сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 1495 м , сув йиғилиш майдони 2950 км^2 , ўртача кўп йиллик сув сарфи $7,5 \text{ м}^3/\text{с}$, оқим модули $2,55 \text{ л/с км}^2$ га тенг. Бу дарёning ўзига хос хусусияти шундаки, сув йиғилиш майдони паст бўлганлигига қарамасдан оқимнинг йил ичидаги текис тақсимланганлигидадир. Оқим фасллар давомида бир текис тақсимланади.

Қашқадарё ҳавзаси шимол ва шимоли шарқда Зарафшон, шарқда Ҳисор тизмаларининг ғарбий тармоқлари билан, жануб ва жануби шарқда Бойсун тоғлари билан чегарадош бўлиб, ғарбда у Қарши даштларига туташиб кетади. То-ликдан чиғиш ерида Қашқадарёning сув йиғилиш майдони 468 км^2 , ўртача баландлиги 1823 м , ўртача кўп йиллик сув сарфи $5,46 \text{ м}^3/\text{с}$, ўртача оқим модули $11,7 \text{ л/с км}^2$. Йиллик оқимнинг 64% и март-июн, $11,7 \%$ июл-август, $24,3 \%$ октябр-феврал ойларида оқиб ўтади.

Тоғлардан чиқиши жойидан то Қарши воҳасигача бўлган қисмида, яъни унинг ўрта оқимида Қашқадарёга ўзидан ҳам бўлган ирмоқлар жумладан Оқсув, Яккабоғ ва Танхоз дарёлари келиб қуйилади.

Зарафшон дарёсининг ҳавзаси Туркистон ва Ҳисор тоғ тизмалари билан Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмаларининг ғарбий тармоқлари оралиғида жойлашган. Зарафшон дарёсининг юқори оқими Маастчоҳдарё деб аталади. Чап томондан Фандарё келиб қўйилгач, дарё Зарафшон номини олади. Фандарёning қўилиши жойидан 56 км қуйида Зарафшонга чап томондан Кштутдарё, 94 км қуйида эса яна чап томондан Мағиёндарё келиб қуйилади. Мағиёндарёning қўилиши жойига қадар бўлган оралиқда Зарафшон дарёси томон яна бир қанча ирмоқлар, ўнгдан: Хушнат, Вишкентсой, Лангарсой, Вишитсой, Каттасой, Остонасой, Ойбодом сойлари, чапдан: Зирофатсой, Мадамсой, Вашансой, Роватсой ва Совурсойлар оқиб келади, лекин улардан кўпчилиги Зарафшонга етиб келмасдан тугаб қолади. Зарафшон дарёси тоғли қисмининг майдони 17710 км^2 , ундан ҳосил бўладиган оқим миқдори ўрта хисобда тахминан $190 \text{ м}^3/\text{с}$, ўртача оқим модули $10,7 \text{ л/с км}^2$ га тенг. Зарафшон дарёсининг йиллик оқими у йилдан бу йилга кам ўзгаради, Дупили пости ёнида йиллик оқимнинг $30,3 \%$ март-июн, $55,6 \%$ июл-сентябр, $14,1 \%$ октябр-феврал ойларида оқиб ўтади. Максимал сув сарфи $930 \text{ м}^3/\text{с}$, минимал – $24 \text{ м}^3/\text{с га}$ тенг. Сувнинг ўртача лойқалиги $0,88 \text{ кг}/\text{м}^3$, оқизиклар миқдори 137 кг/с га тенг.

Синов саволлари:

1. Панж ва Вахи дарёларининг гидрографик таърифи ва оқим режимини изоҳлаб беринг.
2. Амударёнинг гидрографик таърифи ва оқим режимини изоҳлаб беринг.
3. Коғирниҳон ва Сурхондарёнинг гидрографик таърифи ва оқим режимини изоҳлаб беринг.
4. Шерободдарё ва Қашқадарёнинг гидрографик таърифи ва оқим режимини изоҳлаб беринг.
5. Зарафшон дарёсининг гидрографик таърифи ва оқим режимини изоҳлаб беринг.
6. Амударё ҳавзаси дарёлари сув бойликларининг халқ хўжалигига ишилатилиши.

МАВЗУ. СИРДАРЁ ҲАВЗАСИ ГИДРОГРАФИЯСИ

Режа: 1.Ҳавзанинг умумий таърифи.

- 2.Сирдарёнинг гидрографик таърифи ва ва оқим режими.
- 3.Норин ва Қорадараёнинг гидрографик таърифи ва ва оқим режими.
- 4.Сирдарёнинг Фарғона водийсидан чиққандан кейинги чап ирмоқларининг гидрографик таърифи.
- 5.Чирчик, Оҳангарон, Калас, Арис дарёларининг гидрографик таърифи ва ва оқим режими.

Сирдарё ҳавзасининг чегаралари ҳам, фақат унинг тоғлардан иборат бўлган жануби-шарқий қисмидагина аниқ кўринади. Дарёнинг Қарғона водийсидан чиқавериш жойигача бўлган ҳавза майдони 142200 km^2 , ҳавзанинг умумий тоғли қисми эса 150100 km^2 га тенг.

Сирдарё ҳавзасининг тоғли областидаги чегараси жануб ва шарқда Оқшийроқ, Бўркўлдай, Отбоши, Олой, Туркистон ва унинг давоми бўлган Нурота тоғ тизмалари бўлиб, шимолда эса Тарскей Олатови, Қирғизистон, Талас Олатови ва Қоратов тизмалари билан бўйлаб туради.

Сирдарё Фарғона водийсининг шарқий қисмида Норин билан Қорадараёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади, унинг узунлиги 2137 km , сув йиғиш майдони 150100 km^2 . Фарғона водийсини ўраб турган тоғ тизмалардан Сирдарё томон жуда кўп ирмоқлар оқиб тушади. Чуйончи ўнг томондан Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларидан-Поччаота, Косонсой, Ғовасой, Чодоқсой ва чап томондан Исфайрамсой, Шоҳимардон, Сўх, Исфара, Хўжабақирган ва Оқсув каби ирмоқлар оқиб тушади. Фарғона водийсидан чиққандан кейин Сирдарёга чап томондан бирорта ирмоқ келиб қўшилмайди. Ўнг томондан эса унга Чирчик, Оҳангарон, Калас, Арис дарёлари келиб қўйилади.

Булардан бошқа Қоратов ва Нурота тизмалари ён бағирларидан Сирдарё томон яна бир мунаҷа сойлар ҳам оқиб тушади.

Норин дарёси. Норин ҳавзаси икки гурухдан иборат баланд тоғ тизмалари орасида жойлашган. Улардан биринчиси ҳавзанинг шимолий қисмини ишғол этган, хусусан Терской Олатови ва унинг жанубий ирмоқлари Қоракўтки, Қоражаргу, Қирғизистон ва Талас Олатови, иккинчиси эса ҳавзасининг жанубий қисмини эгаллаб турган Бўркўлдай, Отбоши, Жетибел, Норинтоғ ва Сусамиртоғ каби тизмалардир.

Норин дарёси Норин шаҳридан 44 km шарқ томондан катта Норин ва Кичик Норин дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Норин дарёси Норин шаҳридан ўтгач унга ўнг томондан Ўнарча дарёси, сўнгра Сўнкўл кўлидан чиқиб келадиган Кўкжерти келиб қўйилади, сўнгра чап ирмоғи Отбоши, Кўкирим, ўнг томондан Кўкўмерин, Узунахмат на ниҳоят чап ва ўнг томондан Қорасув дарёлари келиб қўйилади. Норин ҳавзасининг майдони Норин шаҳри створида 10500 km^2 , ўртacha баландлиги 3620 m , Учқурғон қишлоғи ёнида майдони 58400 km^2 , ўртacha баландлиги эса 2710 m ни ташкил қилади. Норин дарёсининг ўртacha йиллик сув сарфи $409 \text{ m}^3/\text{s}$ (Учқурғон қишлоғи ёнида), ўртacha оқим

модули 7,1 л/с км². Оқимнинг юқори қисмида музлик-қор сувлари билан тўйинадиган дарёлар гурухига киради. Кўйи оқимида эса қор-музликлар ҳисобига тўйинадиган дарёлар гурухига киради, яъни йиллик оқимнинг 45,2 % март-июн, 35,5 % июл-сентябр ойларига тўғри келади. Норин сувининг ўртача лойқалиги 1,09 кг/м³.

Қорадарё – Сирдарёнинг чап ташкил этувчиси бўлиб, Тор ва Қоракўлжа дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, сувини Фарфона тоғ тизмасининг жанубий-ғарбий ён бағридан ва қисман Олой тоғ тизмасининг шимолий ён бағридан тўплайди. Қорадарёга ўнг қирғоқдан Ясси, Кугарт, Корагарт, Қораунғур ва Майлису ирмоқлари, чап қирғоқдан эса Қуршоб, Аравансой, Оқбура ирмоқлари қўйилади. Қорадарёнинг сув йиғилиш майдони 12400 км², ўртача баландлиги 2600 м, ўртача йиллик сув сарфи 118 м³/с, оқим модули 9,5 л/с км², сувининг ўртача лойқалиги 1,6 кг/м³.

Чирчиқ дарёси Чотқол (чап) ва Пском (ўнг) дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу дарё ўз сувини Талас Олатови тизмасига киравчи Угом, Пском, Жети-Сандал, Чотқол тоғ тизмаларидан тўплайди. Дарёнинг узунлиги 174 км, сув йиғилиш майдони 14240 км². Чирчиқнинг иккита йирик ирмоқлари: Угом дарёси (ўнг) ва Оқсоқ-Отасой (чап) дарёлари бўлиб ҳисобланади. Қолган ирмоқлар сув даврида ва сел ўтганда ўз сувларини Чирчиқга қисман етказади, қолган пайтларда эса етказа олмайди. Ўртача йиллик сув сарфи 219 м³/с, оқим модули 20,8 л/с км², сувининг ўртача лойқалиги 0,52 кг/м³. Йиллик оқимга нисбатан март-июн ойларида 52,9 %, июл-сентябр ойларида 31,5 % ва октябр-феврал ойларида 15,6 % оқим оқиб ўтади.

Синов саволлари:

1. Сирдарёнинг гидрографик таърифи ва оқим режимини изоҳлаб беринг.
2. Норин ва Қорадараёнинг гидрографик таърифи ва оқим режимини изоҳлаб беринг.
3. Сирдарёнинг Фарфона водийсидан чиққандан кейинги чап ирмоқларининг гидрографик таърифини изоҳлаб беринг.
4. Чирчиқ, Оҳангарон, Калас, Арис дарёларининг гидрографик таърифи ва оқим режимини изоҳлаб беринг.

МАВЗУ. ТАЛАС, ЧУЙ ДАРЁЛАРИ ВА ИССИҚҚЎЛ ҲАВЗАСИ ГИДРОГРАФИЯСИ

Режа: 1. Ҳавзанинг умумий таърифи.

2. Талас дарёси ҳавзасининг гидрографик таърифи.
3. Чуй дарёси ҳавзасининг гидрографик таърифи.
4. Иссиққўл ҳавзасининг гидрографик таърифи.

Талас, Чуй дарёлари ва Иссиққўл ҳавзаси Сирдарё ҳавзасидан шимолда жойлашгандир. Бу ҳавза аслида учта мустақил ҳавзадан: Талас дарёси ҳавзаси, Чуй дарёси ва Иссиққўл ҳавзаларидан иборат. Бироқ, бу ҳавзалар ер ости сувлари билан бир-бирларига маълум даражада боғлангандир. Ана шунинг учун ҳам бу ҳавзаларни бир гидрографик ҳавзага бирлаштириш мумкин.

Ҳавзанинг умумий майдони тахминан 50000 км², бундан Талас дарёси ҳавзасига 12500 км² тўғри келади. Бу майдонда ҳосил бўладиган оқим миқдори 60 м³/с, оқим модули 4,8 л/с км². Чуй дарёси ҳавзасига 25000 км² тўғри келади, ўртача йиллик сув сарфи 130 м³/с, оқим модули 5,2 л/с км² га яқин.

Ниҳоят Иссиққўл ҳавзасига 12700 км² сув йиғиладиган майдон тўғри келади. Унда ҳосил бўладиган оқар сув тахминан 120 м³/с га тенг бўлиб, оқим модули ўрта ҳисобда 9,1 л/с км² га тенг.

Талас дарёси Қирғизистон ва Талас тизмалари ён бағирларидан сув оладиган Қоракўл ва Учкўшай сойларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Талас дарёсининг энг йирик ирмоқларига Кўлба, Бештош, Ўрмарол, Кумуштоғ, Қорабўра (чап томондан) ҳамда Кенкўл ва Нелди (щнг томондан) ҳисобланади.

Сув йиғилиш майдонинг ўртача баландлиги 2707 м, музлик қор сувлари хисобига тўйинадиган дарёлар гуруҳига киради. Йиллик оқимнинг март-июн ойларида 36,4 %, июл-сентябр ойларида 41,2 %, октябр-феврал ойларида 22,4 % оқим тўғри келади. Талас дарёси сувининг лойқалиги $0,0395 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни ташкил қиласди.

Чуй дарёси Қирғиз ва Терской Олатовидан сув оладиган Жувон-Ариқ ва Қўчкор дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Чуй дарёси жуда сертармоқ дарё бўлиб, унга чап ва унг томондан Чўнгкемин, Шамси, Иссиқота, Норус, Олаарча, Оламетдин, Сўкулук, Оқсу, Қораболта, Аспара, Мерке ирмоқлари келиб қўилади. Чуй дарёсининг ўртача сув сарфи $53 \text{ м}^3/\text{s}$. Бу дарё музлик-қор сувлари хисобига тўйинадиган гурухга киради. Унинг тоғлардан чиқавериш жойида июл-август ойларида сув энг кўп, март-апрел ойларида эса сув энг кам бўлади. Март-июнда йиллик оқимнинг 31,7 %, июл-сентябрда 40,5 % ва октябр-февралда эса 27,8 % оқим оқиб ўтади. Сувининг лойыалиги $0,174 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни ташкил этади.

Иссиқкўл ҳавзасининг умумий майдони 21891 km^2 , тоғли қисмига 12660 km^2 , кўл ўраб турувчи тоғ олди текисликларига 3025 km^2 , кўл сув юзасининг майдонига 6206 km^2 тўғри келади. Кўлнинг ғарбий қисмидаги дарёлари кам сувли бўлиб, оқим модули $4-5 \text{ л}/\text{s} \text{ km}^2$ ни ташкил қиласди. Шарқий ва марказий қисмидаги Кунгей ва Терской Олатовидан оқиб тушадиган дарёлар серсув бўлиб, уларнинг оқим модули $16-22 \text{ л}/\text{s} \text{ km}^2$ гача кузатилади. Кунгей Олатовидан Оқсу, Терской Олатовидан Оқсой, Топ, Тамга, Борскаун, Жуука дарёлари оқиб тушади. Уларнинг ўртача сув сарфи $5 \text{ m}^3/\text{s}$ ва ундан ортиқни ташкил қиласди. Барча йирик дарёлар қор ва қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Дарёларнинг ўртача лойқалиги $0,1-0,2 \text{ кг}/\text{м}^3$, айрим ҳолларда эса $0,01-0,02 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни ташкил қиласди.

Синов саволлари:

1. Ҳавзанинг умумий гидрографик таърифини изоҳлаб беринг .
2. Талас дарёси ҳавзасининг гидрографик таърифи ва оқим режисмини изоҳлаб беринг .
3. Чуй дарёси ҳавзасининг гидрографик таърифи ва оқим режисмини изоҳлаб беринг .
4. Иссиқкўл ҳавзасининг гидрографик таърифи изоҳлаб беринг .

МАВЗУ. БАЛХАШ КЎЛИ ҲАВЗАСИННИНГ ЖАНУБИЙ ҚИСМИ ГИДРОГРАФИЯСИ

Режа: 1. Балхаш кўли ҳавзасининг гидрографияси.

2. Или дарёсининг гидрографияси.
3. Марказий Қозогистон бекр ҳавзаси
4. Қозогистоннинг шимолий шарқий қисмидаги дарёлар гидрографияси.

Балхаш кўли ҳавзасининг жанубий қисми Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқида бўлиб, унинг чегараси Балхаш кўлининг жанубий ирмоқлари, Чуй-Или тоғлари, Орқа Или ва Кунгай Олатов тизмалари, Терской Олатови тизмалари ва ниҳоят, Лепса дарёсининг шарқий сув айирғичи бўйлаб ўтади.

Бу ҳавза жанубий ва жануби-шарқий қисмида баланд тоғ тизмалари жойлашган. Орқа Или, Кунгай Олатов тизмаларининг баландликлари баъзи жойларда 5000 м дан ортади. Балхаш кўли ҳавзасининг тоғли қисмининг умумий майдони 119000 km^2 бўлиб, ундан $800 \text{ m}^3/\text{s}$ оқим шакилланади. Ўртача оқим модули $6,7 \text{ л}/\text{s} \text{ km}^2$ га teng. Балхаш кўлига куядиган дарёларн қаторига Или, Қоратол, Биен, Оқсу, Лепса ва бошқалар киради. Улар орасида сувлилиги ва сув йиғилиш майдонининг катталиги жиҳатидан Или дарёси энг йириги хисобланади.

Или дарёси деярли Хитой худудида жойлашган Текес ва кунгес дарёлариниг қўшилишидан ҳосил бўлади. Унинг узунлиги 950 км, сув йигиш майдони 112700 km^2 . Ўртача сув сарфи $473 \text{ m}^3/\text{s}$, оқим модули $5,2 \text{ l/s km}^2$, сувининг лойқалиги $0,65 \text{ kg/m}^3$. Йиллик оқимнинг 34,3 % март-июн ойларида, 42,6 % июл-сентябр ойларида ва 23,2 % октябр-феврал ойларида оқиб ўтади.

Марказий Қозогистон берк ҳавзаси дарёларига Турғай, Иргиз, Нура ва Сарису дарёлари киради.

Турғай дарёси ўз сувини Сари-Турғай ва Қора-Турғай дарёларининг қўшилишидан ташкил топган. Бу дарё Улу-тау тоғларидан бошланиб, оқмас Челкар-Тенгиз кўли билан тугатади. Унинг сув йигиш майдони 134000 km^2 , ўртача сув сарфи $8,5 \text{ m}^3/\text{s}$, оқим модули $0,15 \text{ l/s km}^2$. Бу дарё деярли қор сувлари ҳисобига тўйинади, тўлин сув даври баҳорда 20-25 кун давом этади.

Иргиз дарёси Мугожар тоғларининг шарқий ён бағридан бошланади ва ўзининг кўйи оқимида Тургайга қўшилиб, Челкар-денгиз кўлига тушади. Сув йигиши майдони 31600 km^2 , ўртача сув сарфи $6,8 \text{ m}^3/\text{s}$, оқим модули $0,22 \text{ l/s km}^2$.

Нура дарёси Каркарала тизмасидан бошланиб ўз сувини Тенгиз кўлига қуяди. Унинг узунлиги 700 км, сув йигиши майдони 4300 km^2 . Ўртача сув сарфи $15 \text{ m}^3/\text{s}$, оқим модули $0,15 \text{ l/s km}^2$ га тенг.

Сарису дарёси Жақси Сарису ва Жаман Сарису дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади ва Ашикўл кўли атрофига қўмлоққа сингиб кетади. Сув йигилиши майдони 59300 km^2 , ўртача йиллик сув сарфи $2,7 \text{ m}^3/\text{s}$.

Қозогистоннинг шимоли-шарқий қисмида Иртиш дарёси ҳавзасининг катта қисми жойлашган. Иртиш-Объ дарёсининг энг йирик ирмоғи бўлиб ҳисобланади. Ҳавзанинг юқори қисми Олтой тоғларида жойлашган. У Хитой худудидаги Мангал Олатови тизмаларидан бошланади. Юқори қисмида ўнг томондан Бухтарма, Ульба, Уба ирмоқларини қабул қиласди.

Иртиш ҳавзаси жуда катта майдонни эгаллаган, яъни 969000 km^2 , унинг ўртача йиллик сув сарфи $2150 \text{ m}^3/\text{s}$, оқим модули $2,22 \text{ l/s km}^2$ га, ўртача лойқалиги 250 g/m^3 га тенг.

Синов саволлари:

1. Балхаи кўли ҳавзасининг гидрографик таърифини изоҳлаб беринг.
2. Или дарёсининг гидрографик таърифи ва оқим режмини изоҳлаб беринг..
3. Марказий Қозогистон берк ҳавзаси дарёларининг гидрографик таърифи.
4. Қозогистоннинг шимолий шарқий қисмидаги дарёларнинг гидрографик таърифи.
5. Дарёларнинг халқ ҳўжалигида ишилатилиши.

МАВЗУ. ЎРТА ОСИЁ КЎЛЛАРИ ВА СУВ ОМБОРЛАРИ

- Режа:**
1. Ўрта Осиё кўллари ва сув омборларини ўрганиши
 2. Ўрта Осиё кўллари генезиси
 3. Ўрта Осиё кўллари морфологияси ва морфометрияси.
 4. Ўрта Осиё сув омборлари

Сув ҳаёт билан тенглаштириладиган ўлкамиздаги кўллар, дарёлар, сойлар, булоқлар ва ҳаттоқи унинг баланд тоғларидаги доимий қорликлари ва музликлари тўғрисидаги билимлар асрлар давомида халқ хотирасида, тарихий-археологик ёдгорликларда, ёзма манбаларда тўпланиб келган. Афсуски, юртимиз сув ҳавзаларига, шу жумладан кўлларга тегишли бўлган илк ёзма манбалар қадимги грек олимлари асарларидагина сақланиб қолган. Масалан, Геродот (эрамиздан олдинги 490-425 йиллар) Каспий денгизи ҳақида, унинг берк ҳавза эканлигини ёзиб қолдирган бўлса, Страбон (63 - йил эски эра-20-йил

янги эра) машхур "География" асарида Оксус (Амударё) қуи оқимида икки тармоққа бўлинишини, бири шимолга-денгизга (Оролга), иккинчиси эса Каспийга қуйилишини ёзib қолдирган. Шу фикр нисбатан кейинроқ яшаган Птолемей (янги эранинг II асри) да ҳам такрорланади.

1936 йили Давлат гидрология институти (ГГИ) нинг Тошкент филиали ходимлари ўша давр учун хос бўлган сув кадастрини тузди ва натижада Ўрта Осиё кўлларининг янги катологи яратилди. Унда кўлларнинг сони (2400 та кўл ҳисобга олинган) ва сув юзаси майдони аниқланган эди.

1958 йили "Ўрта Осиё гидрографияси" ва "Ўрта Осиё" монографиялари нашр этилди. Мазкур асарларда кўлларнинг келиб чиқиши, сони ва майдонлари тавсифланган. "Ўрта Осиё" монографияси 1968 йили яна қайтадан нашр қилинди ва унда "Кўллар" маҳсус бўлим сифатида ёритилди. 1967 йилда "Ресурс ў поверхности ўх вод" маълумотномаси чоп этилди. Бу тўпламда ўлкамиздаги кўлларнинг худудлар бўйлаб жойлашиши ва кўллар сув юзаси майдони, сони ҳакида янги маълумотлар келтирилди.

60-йиллардан Ўрта Осиё кўлларини ўрганиш янада кенгроқ ривожланиб, унда Бошгидромет (А.М.Никитин, В.Н.Рейзвих), ЎзР ФА (М.А.Носиров) олимларининг хизматлари катта бўлди. Улар 1963-1964 ва 1972-1980 йиллар давомида Амударё делітасидаги кўлларни текширишни амалга оширидилар. Сирдарё ва Арнасой чўкмаларида кўллар 1967-1968 ва 1973-1982 йилларда текширилди. 1976-1977 йилларда Ўрта Осиёдаги оқава сувлардан тўйинадиган энг катта кўллардан бири Сариқамиш кўлида, 1981-1982 йилларда эса Қашқадарё ва Зарафшон дарёсининг қуи оқимидағи кўллarda тадқиқот ишлари олиб борилди ва улар натижасида Туркистон кўллари ҳакида йирик илмий асарлар яратилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач кўллар ва сув омборларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда, айни пайтда бу соҳада маҳсус режа асосида илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда ЎзР Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Бошгидромет тасарруфидаги Ўрта Осиё гидрометеорология илмий - тадқиқот институти (ЎОГМИТИ)нинг "Кўллар ва сув омборлари" лабораторияси илмий ходимларининг хизматлари катта бўлмоқда.

Охирги йилларда эса Ўрта Осиё кўллари ва сув омборлари сув заҳиралари динамикасини ўрганишда Ернинг сунъий йўлдошларидан олинган маълумотлардан кенгроқ фойдаланилмоқда. Бу ҳолат кўллар ва сув омборларининг гидрологик режимидаги салбий ўзгаришларни тезда ҳисобга олишга ва натижада улар билан боғлиқ бўлган табиий офтальмарнинг олдини олишга имкон беради.

Ўрта Осиё кўллари генезиси масалалари кўплаб тадқиқотчилар эътиборини тортган. Мазкур муаммони ўрганиш дастлаб Н.Л.Корженевский, Н.Г.Малицкий, Л.А.Молчанов ва бошқалар тадқиқотларида ёритила бошлаган бўлса, кейинчалик В.Н.Рейзвих, А.М.Никитин, А.В.Шнитников томонидан давом эттирилган. Натижада 20-асрнинг 80-йилларида А.М.Никитин томонидан Ўрта Осиё кўлларининг генезиси бўйича таснифи ҳам яратилди. Ушбу иш М.А.Первухин (1937 йил), Д.Хатчинсон (1957 йил) таснифларидан Ўрта Осиё кўллари генезисининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олганлиги билан фарқ қиласи.

Маълумки, асримизнинг 2-ярмида ўлгадаги сув заҳираларини худудлар бўйича қайта тақсимлаш, янги ерларни ўзлаштириш, тоғ-кон саноати ва бошқа қатор омиллар таъсири натижасида кўплаб сунъий-антропоген кўллар ҳосил бўла бошлади. Кўллар генезисини ҳозирги кун нуктаи назаридан ёритишда бу ҳолатни эътиборга олиш муҳимдир. Таклиф этилаётган таснифнинг юқоридагилардан фарқи ҳам шундадир, аниқроғи ушбу тасниф бўйича Ўрта Осиё кўллари дастлаб икки катта гурухга-т а б и и й в а а н т р о п о г е н кўлларга бўлинади .

Табиий кўллар келиб чиқиши бўйича ернинг ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) қучлари билан боғлиқ бўлса, антропоген кўллар, асосан, инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлиқдир.

Т а б и и й к ў л л а р. Табиий кўллар косалари, юқорида қайд этилганидек, табиий, яъни эндоген ва экзоген қучлар таъсирида ҳосил бўлади. Уларнинг сувга тўлиш жараёни ҳам табиий йўсинда кечади. А.М.Никитин ўлкамиз табиий кўлларини жойлашиш ўрнига боғлиқ ҳолда икки кичик гурухга-т е к и с ли к ва т о ф кўлларига ажратади. Ўз навбатида бу кичик гурухларнинг ҳар бири бир нечта турларга ажратилади. Мазкур турларни ажратишда муаллиф Ўрта Осиёнинг текислик ва тоғли ўлкалари учун хос бўлган табиий жараёнларни ҳисобга олади. Жумладан, ҳар икки кичик гурух учун ҳам т е к т о н и к, ҳам г и д р о г е н жараёнлар туфайли вужудга келган кўллар хос бўлса, д е ф л я ц и о н кўллар фақат текислик ўлкаларига, г л я ц и о г е н в а г р а в и т а ц и о н жараёнлар туфайли вужудга келган кўллар эса тоғли ўлкалар учун хосдир.

Т е к и с ли к л а р д а г и тектоник кўллар косалари, асосан, Ер сиртининг платформали букилиши натижасида ҳосил бўлади. Уларга Орол, Сариқамиш ва Арнасой кўллари косалари мисол бўлади. Maxsus адабиётлар [27,34]да қайд этилишича уларнинг косалари Турон эпипалеозой платформасининг тектоник букилиши натижасида ҳосил бўлган.

Т оғ ли ўлкалар даги тектоник кўлларни келиб чиқиши бўйича А.М.Никитин куйидаги уч кичик турга ажратади:

- 1) тоғлар оралиғи ботиқларидаги кўллар;
- 2) тоғ ботиғидаги кўллар;
- 3) қулама кўллар.

Тоғлар оралиғи ботиқларидаги ва тоғ ботиғидаги кўллар косаларининг ҳосил бўлишининг асосий сабаблари тектоник жараёнлар билан боғлиқдир.

Текисликлардаги кўлларнинг катта қисми г и д р о г е н к ў л л а р г а мансуб бўлиб, уларнинг келиб чиқиши асосан сув эрозияси ва аккумуляцияси жараёнлари билан боғлиқдир. Бу турдаги кўллар ўз навбатида дарёлар д е л ў- т а л а р и даги кўллар, қ о л д и қ кўллар, п л ё с кўллар (мавсумий дарёлар ўзанидаги кўллар) ва л а г у н кўллар каби кичик турларга бўлинади.

Д а р ё л а р д е л ў т а л а р и д а г и к ў л л а р Амударё, Сирдарё ва бошқа нисбатан йирик дарёлар делёталарида кўплаб учрайди. Уларнинг келиб чиқиши дарёлар делёталарида кечган қадимий ва ҳозирги ўзан жараёнлари билан боғлиқдир. Бу кичик турга Судочье, Қоратерен кўллари мисол бўлади.

Қ о л д и қ к ў л л а р тури эса Амударё, Сирдарё, Чўй, Талас дарёлари қайирларида учрайди. П л ё с к ў л л а р қадимий дарё водийларида-Зарафшон, Қашқадарё, Чўй, Талас, Атрек дарёларининг қуи оқимларида учрайди. Л а г у н к ў л л а р н и н г келиб чиқиши текисликлардаги йирик кўллар сатҳининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Тоғли ҳудудлардаги г и д р о г е н к ў л л а р косалари термокарст, карст ва суффозия жараёнлари натижалари туфайли вужудга келган чўқмалар ўрнида ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам кўпгина олимлар [27] тоғлардаги гидроген кўллар турини умумий ном билан ч ў к м а к ў л л а р деб атайдилар. Бу тур кўллар косалари қандай жараёнлар натижасида ҳосил бўлишига боғлиқ ҳолда т е р м о к а р с т к ў л л а р и, қ а р с т к ў л л а р и в а с у ф ф о з и я к ў л л а р и деб аталувчи кичик турларга бўлинади.

Т е р м о к а р с т к ў л л а р баланд тоғлардаги (Ички ва Марказий Тяншан, Шарқий Помир) доимий музлок ҳудудларда учрайди ва кўл косаси эриш натижасида ҳосил бўлади. Уларнинг ўзига хос томони шундан иборатки, кўпинча йилнинг иссиқ даврларида пайдо бўлади, яъни мавсумий характерга эга.

К а р с т к ў л л а р и косалари юра ва бўр даври тузли ётқизиқларининг сув таъсирида чўкиши натижасида ҳосил бўлади. Бундай кўллар Кўщитанг, Шерободдарё, Ёвонсув дарёлари ҳавзаларида ва Копеттоғ тоғолди ҳудудида кўплаб учрайди.

С у ф ф о з и я к ў л л а р и косалари ер ости сувлари таъсири натижасида ҳосил бўлади. Улар кўпроқ тоғолди ҳудудларида тарқалган ва мавсумий характерга эга.

Д е ф л я ц и я к ў л л а р и текисликлардаги чўл ва ярим чўл ҳудудларда шамол таъсирида вужудга келган ботиқлар ўрнида ҳосил бўлади. Улар йил давомида қисқа

муддат ичидә күзатилади, чунки улар маҳаллий оқим ҳисобига түйинади. Шу туфайли уларнинг сув ҳажми ва сув юзаси майдони жуда кичик бўлади.

Гляциоген кўллар косалари келиб чиқиши бўйича хозирги ва қадимги музиклар фаолияти билан боғлиқ. Гляциоген кўллар ўлкамиздаги тоғли худудларнинг энг баланд минтақаларини эгаллаган. Гляциоген кўлларнинг энг қўп сони ва энг катта йиғинди сув юзаси майдони 4000-4500 метр оралиқдаги баландлик минтақаларига тўғри келади. Гляциоген кўллар тури ўз навбатида музлик кўллари, кара кўллари, занда кўллари ва морена кўллари деб номланувчи кичик турларга бўлинади.

Музлик кўллари йирик музлик сиртидаги ботиқликларда ҳосил бўлади ва йилнинг совуқ даврларида йўқ бўлиб кетади. Масалан, Шимолий Энгилчак музлигидаги Мерцбахер кўли шу кичик турга мисол бўлади.

Занд кўллари музиклар остидан сизиб чиқаётган сув оқимининг турли ётқизиқлар тўсиб қолиши натижасида ҳосил бўлади ва асосан йилнинг иссиқ мавсумларида пайдо бўлади. Ойгаинг (Писком дарёсининг ирмоғи), Зарафшон дарёлари ҳавзаларидаги музикларда күзатилган.

Морена кўллари ўлкамиз тоғли худудида кўплаб учрайди. Уларнинг тўғонлари мореналар ётқизиқларидан ҳосил бўлади. Шу кичик турга Оҳангарон ҳавзасидаги Арошан кўли, Зарафшон ҳавзасидаги Кўликалон, Чимтарға ва Чапдара каби кўллар мисол бўлади.

Гравитацион кўллар тоғолди ва ясси тоғли худудларда водийни сурилиш, кўчки-қулаш маҳсулотлари, оқизиқлар конуси ва қор кўчкилари тўсиб қолиши натижасида ҳосил бўлади. Бу турдаги кўллар уларни юзага келтирувчи жараёнларга боғлиқ ҳолда кўчи-қулаш кўллари ва қор кўчкилари деб аталувчи кичик турларга бўлинади. Биринчи кичик турдаги кўллар ёнбағирларининг кўчиши ёки ирмоқларнинг лойқа оқизиқлар конуси билан дарё ўзанининг тўсилиб қолиши туфайли пайдо бўлади. Рельеф ва иқлим шароитига боғлиқ ҳолда улар қисқа ва узоқ умр кўриши мумкин. Масалан, Шоҳимардон дарёси ҳавзасидаги Кўккўл шу кичик турга мансубdir. Иккинчи кичик турдаги кўлларнинг пайдо бўлиши кўпчилик ҳолларда ёмон салбий оқибатларга олиб келади.

Антропоген кўллар нинг ҳосил бўлиши инсоннинг хўжалик фаолияти билан оғлиқдир. Ирригация, гидроэнергетика, балиқчиликни ривожлантириш мақсадаларида қурилган сув омборлари, экин майдонларини сугоришда ортиқча сувларнинг ер сиртидаги табиий ҳамда очик карёйлар ва шахталар ўрнидаги ботиқларда тўпланиши натижасида ҳосил бўлган кўллар шу гурухга мансубdir.

Антропоген кўллар гурухини қуидаги кичик гурухларга ажратиш ўринлидир: 1) сувомборлари; 2) иргация кўллари; 3) тонконкар ўери кўллари.

Ўрта Осиё кўллари ҳам бир-биридан сув юзаси майдонинг ўлчамлари, уларнинг кўринишлари, кўл косаларининг шакллари, чуқурликлари ва бошқа кўрсаткичлари билан фарқланади. Ушбу ҳолатни ҳисобга олиб, Ўрта Осиё кўлларининг морфологияси ва морфометриясини ҳам сув юзалари ва кўл косалари кўрсаткичлари бўйича ўрганиш анча қулайдир.

Кўллар сув юзаларининг ўлчам кўрсаткичлари. Кўллар сув юзаларининг ўлчам кўрсаткичлари кўлларнинг сув юзаси майдони, узунлиги, кенглиги, кирғоқ чизигининг узунлиги, кирғоқ чизигининг эгрилиги каби катталиклар билан ифодаланиши юқорида қайд этиб ўтилди. Албатта, ўлкамиздаги барча кўлларни шу нуқтаи-назардан ўрганиш мураккаб вазифа. Шуни ҳисобга олиб, юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларни нисбатан йирик ва характерли кўллар учун таҳлил қиласиз.

Шу мақсадда А.М. Никитин монографияси [27]да келтирилган күллар рўйхатидан сув юзаси майдони 1 km^2 га яқин ва ундан катта бўлган күллар ажратиб олинди. Уларнинг узунлиги, кенглиги, қирғоқ чизиги узунлиги ва қирғоқ чизиги эгрилиги ҳақидаги маълумотлар 5-иловада келтирилди.

Сув юзаси майдони бўйича Орол, Балхаш ва Иссиккўллардан кейин Айдаркўл, Сариқамиш күллари туради. Ҳар икки кўл ҳам ўлкамизнинг текислик қисмида, инсон хўжалик фаолияти, яъни антропоген омил таъсири натижасида ҳосил бўлган.

Тоғ кўллари ичида (Иссиккўлни ҳисобга олмаганда) сув юзаси майдони бўйича Қоракўл ($F_k \approx 380 \text{ km}^2$), Сонкўл ($F_k \approx 274,6 \text{ km}^2$), Чатиркўл ($F_k \approx 160 \text{ km}^2$) ва Сарез ($F_k \approx 79,6 \text{ km}^2$) кўллари энг йирик ҳисобланади. Жадвалда келтирилган тоғ кўллари аксарият қисмининг сув юзаси майдони $1-10 \text{ km}^2$ оралиқда ўзгаради. Қолган кўрсаткичлар, яъни узунлик ва кенглик бўйича ҳам Сариқамиш ва Арнасой кўллари олдинги ўринларда туради. Тоғ кўллари орасида узунлиги бўйича Сарез кўли ($L_k \approx 55,8 \text{ km}$) ажралиб туради. Ундан кейинги ўринларни Қоракўл ($L_k \approx 30 \text{ km}$), Сонкўл ($L_k \approx 28,3 \text{ km}$), Чатиркўл ($L_k \approx 22,1 \text{ km}$) ва Вишлкўл ($L_k \approx 18,6 \text{ km}$)лар эгаллайди. Рельеф шароитидан келиб чиқиб, текисликлардаги кўллар кенглигининг катталиги билан тоғ кўлларидан ажралиб туради. Афсуски, қирғоқ чизиги узунлиги бўйича жадвалдаги барча кўллар учун маълумотларни тўплаш имконияти йўқ. Лекин, тўла бўлмаган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, йирик кўллар (Орол, Балхаш, Иссиккўл) ларни ҳисобга олмаганда Помирдаги Сарез кўли қирғоқ чизиги узунлигининг катталиги ($\ell_k \approx 499 \text{ km}$) билан ажралиб туради.

Ўрта Осиё кўлларида қирғоқ чизиги эгрилигини характерлайдиган коэффициент (K_s) нинг қийматлари $0,42-1,76$ оралиқда ўзгаради. Бу коэффициентнинг табиий моҳияти шундан иборатки, унинг қийматлари 1 га яқинлашган сайн кўлнинг сув юзаси майдони доира шаклини эгаллай бошлади. Шу нуқтаи-назаридан ёндошадиган бўлсақ, Саричелак ($K_s \approx 0,95$), Қорасув ($K_s \approx 0,96$), Бейликўл ($K_s \approx 0,92$) каби кўлларининг сув юзаси бошқаларга нисбатан доира шаклига ўхшашлиги билан ажралиб туради.

Кўллар косасининг ўлчам кўрсаткичлари. Ер сиртидаги барча кўллар косалари ҳосил бўлиш шароитига боғлиқ ҳолда бир-бирларидан шакл ва ўлчамлари бўйича кескин фарқ қиласи. Марказий Осиё кўлларини сув ҳажми, чуқурлиги ва кўл косасининг шакли бўйича ўрганиш мақсадида манбалар [26] да келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, сув ҳажми 1 млн. m^3 дан катта бўлган кўллар ажратиб олинди. Уларнинг сув ҳажми камайишига мос ҳолда тузилган рўйхати 6-иловада келтирилган.

Йирик кўллар (Орол, Иссиккўл)ни ҳисобга олмаганда Сариқамиш кўли сув ҳажмининг ($V \approx 28,5 \text{ km}^3$) катталиги билан ажралиб туради. Ундан кейинги ўринни сув ҳажми ($V \approx 26,53 \text{ km}^3$) бўлган Қоракўл эгаллайди. Умуман Ўрта Осиёда сув ҳажми 1 km^3 дан катта бўлган кўллар сони бор-йўғи 8 та ни ташкил этади. Жадвалда келтирилган кўлларнинг 7 тасининг сув сифими $0,1-0,6 \text{ km}^3$ оралигидаги қийматларни қабул қиласа, қолган барча кўлларда сув сифими $0,1 \text{ km}^3$ дан камдир. Уларнинг кўпчилиги, аниқроғи 23 тасида сув сифими $1,0-10,0 \text{ млн. m}^3$ оралиғида ўзгаради.

Тоғли ҳудудлардаги кўллар чуқурликларининг катталиги билан текислик кўлларидан кескин ажралиб туради. Масалан, Сарез кўлиниң энг катта чуқурлиги $499,6 \text{ m}$ бўлса, Қоракўлда 238 m , Саричелакда эса 234 m ва ҳоказо.

Текислик кўлларида эса, юқоридагининг акси кузатилади. Масалан, сув сифими нисбатан катта бўлган Сариқамиш кўлиниң энг катта чуқурлиги бор-йўғи $39,5 \text{ m}$ ни ташкил этади.

